Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги

Муқимий номидаги Қўқон Давлат Педагогика Институти

# ПЕДАГОГИКА УКИТИШ МЕТОДИКАСИ

ФАНИДАН МУАММОЛИ МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тузувчи: педагогика факультетининг
Катта укитувчиси: Х Ниёзова

Қўқон – 2003 й.

# КИРИШ

Маънавий жихатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва муорифни юксалтириш, миллий уйгониш гоясини руёпга чикарадиган янги авлодни вояга етгазиш давлатимизнинг энг мухим вазифаларидан бири булиб хисобланади.

Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида» ги конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да кадрлар салохаётини ошириш ва такомиллаштириш тарбиячи, укитувчи, миллий обро эътиборини кутариш, укитувчи кадрларнинг касб хунарларга маънавий-маърифий, иктисодий ва хукукий даражасини ошириш билан бирга янги турдаги урта махсус укув юрти хисобланган, касб хунар ва педагогик коллежларида таълим бера оладиган педагокларни тайёрлаш масаласига алохида эътибор каратилган. Бу эса таълим тарбия муассасалари учун юкори малакали мутахасислар тайёрлаш масаласига янгича ёндашувга олиб келди.

Янги ёндашувлар педагогика фанининг объекти ва передметини янада кенгайтиради. Энди педагогика укитиш методикаси фани факат таълим-тарбия жараёнида назарий методик амалий таъминловчи фан эмас, балки комил инсон шаклланиши ривожланишини таъминловчи фан хамдир. Шунинг учун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» даги миллий таълим моделида шахсга кадрлар тайёрлаш тизимининг бош

Субъекти ва обеъкти сифатига каралган.

Энди педагогика укитиш методикаси фани таълим тарбия жараёнинин хамма сохаларини, жабхаларини камраб олмаса, у уз узининг комил инсон тарбиясидаги жуда катта имкониятларгига эга булган асосий ижтимоий фан мавкеини эгаллай олмайди. Шунинг учун хам янги таълим конўенўиясида ва мутахасислар тайёрлаш миллий дастурида таълим ижтимоий иктисодий ривожланишининг устивор йуналиши килиб белгиланди.

Натижада педагогика укитиш методикаси фани хакли равишда табиатнинг энг олий махсули хисобланган инсоннинг маънавий ахлокий шаклланиши, унинг шахс сифатида ривожланиши комил инсон булиб етишишини таъминлайдиган мутахасислик асосларини ургатувчи устивор фанлардан бирига айланди.

Халк таълими тизиминг энг мухим тормокларидан бири булган педагогика институтларини педагогика ва психология факультетларининг педагогика ва психология факультетлари турли сохалар учун юкори малакали тайёрлайди. Факультетни тамомлаган ёшлар педагогика ва касб хунар коллежларида психалогик укитувчи, туман ва шахар халк таълим булимларида методист ёки инспектор, махсус ёрдамчи мактабларда укитувчи ёки тарбиячи психология марказларида мутахассис психолог булиб ишлашларидан ташкари, мактабгача тарбия педагогика коллежларида психология, мактабгача тарбия педагогикаси ва хусусий методика фанлардан даср беришлари мумкин.

Талабаларни укитувчилик касбига тайёрлаш максадида укув режасига «Касб хунар коллежларида педагогика фанларининг укитиш методикаси» фани киритилган. Бу курс унча катта булмасада, талабаларни Педагогик касб хунар коллежларида утказиладиган давлат амалиётларида хамда умумий укитувчилик касбига тайёрлашда жуда катта назарий ва амалий ахамиятга эгадир.

Лекин ушбу курс юзасидан узбек тилида дарсликнинг йуклиги ва кулланмаларнинг камлиги талабаларни укитишга катта кийинчиликлар тугдирмокда. Педагогика психология факултетлари тармогининг йил сайин кенгаяётганлиги хам ушбу муаммоли маъруза матнини тайёрлашга ундади. Муаммоли маъруза матнида асосий мавзуларнинг мазмуни кискача баён килиниши билан бирга амалий машгулотларининг утказиш буйича методик маслахатлар хам берилган. Бундан ташкари педагогик коллеж укитувчиларни утказадиган педагогик амалиётнинг максади вазифалири ва уни ташкил килиш масалалари хам муаммоли маъруза матнида уз аксини топган.

Муаммоли маъруза матнининг илова кисмида амалиётни талаба учун зарур булган айрим хужжатлар: дарс тахлили, синф рахбарининг маънавий-марифий ишлар режаси,

педагогик амалиёт кундалиги, педагогик-психологик тавсифнома тузиш буйича талабага эсталик педамалиёт якуний буйича ёзма хисобот саволлари ва бошкалар хам берилган.

Муаммоли маъруза матни тузишда муаллиф педагогика иниститутларида, дарс бераётган айрим илгор укитувчилар, Кукон,Наманган,Чуст,Буз педагогика коллежлари иш тажрибалардан унумли фойдаланди.

Ушбу муаммоли маъруза матни биринчи тажриба булганлиги учун айрим камчиликлар ва нухсонлардан холи эмаслиги табиий. Шу сабабли таклиф мулохазалирингизни кутамиз.

## 1 Мавзу: Педагогика укитиш методикаси фанининг максади ва вазифалири.

Режа.

1. Педагогика фанининг укитилишининг вазифалари, хусусияти
2. Педагогика фанининг бошка фанлар билан алокаси
3. Талабаларнинг укувчилик касб махоратига таёрлашда фанинг роли.

Таянч тушунчалар.

Педагогик назария, педагогик амалиёт, педагогик тизим педагогик махорат, илмий тадкикот.

Педагогика фанларининг укитиш услубияти фани педагогиканинг бир тармоги булиб, укитиш назариясининг алохида бир масалалари билан шугулланади. Бугунгни кунда педагогика фанининг укитилишида кандай муаммолар куйиляпти? У укитишнинг умумий конунятларини педагогика-психология фанлари тузими амалиётда куллашнинг узига хос томонларининг тадкик этади. Ушбу курс педагогика коллежларида укув-тарбия тизимини ташкил килиш хакидаги фандир. У дидактиканинг умумий конунятлари болалар психологияси тарбия, тизимнинг конунятларига караб иш куради. Ушбу курснинг вазифаси педагогика ва психология факультетлари талабаларининг педагогик лиуей ва коллежларда иш билан таништириш, шу билан бирга укитувчилик касби учун керак буладиган тегишли куникма ва малакаларни эгаллашда уларга ердам беришдир. Талабалар укитувчилик фаолиятига тайёрланар экан, улар булчак укитувчи ва тарбиячиларни илмий назарий ва касбий жихатидан тайерланишнинг мазмуни ва услубияти, махсус фанларни укитиш тизимини яхши билишлари, укув режа ва дастурий тахлил кила олишлар, дарс ва дарсдан ташкари пайтларда амалга ошириладиган манавий-маърифий ишларнинг асослари, шу билан бирга укитувчининг касбий ривожланишини таъминлайдиган услубий ишларнинг мазмуни ва ташкил килиш йулларини хам эгаллаган булишлари лозим.

Педагогика укитиш методикасини асосий мохияти нималардан иборат? Педагогика укитиш методикаси фанининг асосий максади педагогика институти талабарини педагогика касб-хунар коллежларида ишлаш учун укитувчи мураббийликка тайерланишдир. Курснинг назарий кисми талабаларнинг педагогик ва касб-хунар колледжларида утказадиган амалиет билан узвий боглик булиб уни урганиш жараенида талабалар дарс утиш усули услубиятини эгал лайдилар, назарий материални амалиетга боглай олишга педагогик масалаларни педагогика ва психология сохасида амалга оширилаетган энг яхши илмий тадкикот ишлари даражасида баен килишга урганадилар.

Курснинг урганиш, укитувчининг маърузаси, амалиет машгулотларини утказиш педагогика ва касб-хунар коллежларида дарс ва синфдан ташкари ишларни кузатиш айрим адабиетларни мустакил урганиш ва амалий топширикларни бажариш йули билан амалга оширилади.

Курснинг энг мухим вазифаларидан бири талабаларда укитувчининг касбига мухаббат уйготишдир. Шунинг учун улар жамиятимизда укитувчининг тутган урни ва роли, укитувчининг касбини узига хос томонлари, укитувчига хос булган энг мухим хислатларни яхши билиб олишлари лозим. Укитувчини касбий махоратини шакиллантиришда бу фаннинг ахамияти нималарда акс этади? Шу муносабат билан

укитувчи узининг дастлабки маърузасидаек талабаларга укитувчи ва унинг сифатлари хакида кенг тушунча беришлари лозим. Маълумки, укитувчлик касби мамлакатимиздаги энг оброли ва хурматли касблардан биридир. Яхши укитувчи уз билимини доимо ва астойдил ошириб боради, чунки бу уитувчиларни укитиш оркали тарбиялай олиш учун зарурдир. Педагогик билим ва малакаларни эгаллаш мураккаб жараендир. Шунинг учун укитувчига узининг психология педагогика сохасидаги хамда бу фанларни укитиш услубияти сохасидаги билимларини уз устида ишлаш йули билан тушинтириб бориш узида ижодий фикрлай олиш кобилиятини ривожлантириш илгор тажрибаларни урганиш ва улардан ижодий фойдалана олиш билиш учун зарурдир.

Булажаак укитувчилар хаетида мустакил билим олиш хакикатдан хам мухим адабиетга эга: Шу муносабат билан укитувчи курсини укитиш жараенида талабаларда муситакил билим олиш малакаларини хам шакиллантириб бориши лозим, бунинг учун курс билан бевосита боглик булган энг янги педагогик ва услубият адабиетларни мустакил укиш, укитувчилик амалиетидаги энг янги ва самарали тажрибаларни кузатиш ва умумлаштиришга хам урганиб бориш лозим.

Педагогика фанининг укитиш услубияти бошка фанлар каби, хамиша янгиликлар ва илгор тажрибалар асосида такомиллашиб, ривожланиб боради талаба илгор тажриба илмий ва услубий мунозаларда хабардор булиши лозим. Бунга улар «Халк таълими», «Бошлангич мактаб» каби педагогик журналларни мунозарали укиб бориш туфайли эришиши мумкин. Маъризани чукуррок узлаштириш ва эсда колдириш максадида талабаларга укиган китобдан нарсалар олиш, режа тузиш, маъруза матнлар ёки кабиларни тавсия этиш максадга мувофикдир.

Курснинг мухум вазифаларидан яна бири педагогика ва касб-хунар коллежлари укитувчиси ишининг хусусиятлари унинг шахсига кулланадиган талаблар, укув ва тарбиявий сохада киладиган ишлар хажми, малакасини ошириш йуллари хакида талабаларга билим беришда иборатдир.

Махсус фанларни укитишлар услубиятининг узлаштириш талабалар учун анча кийин булиб хисобланади, чунки дарси, умумий назарий ва услубий жихатдан шундай ташкил килиш керакки, у укувчиларда илмий дунё карашнинг шакллантириш асосий психологик педагогик тушинчалар ва конуниятларни узлаштириш амалий куникма ва малакаларни хосил килишга олиб келсин. Шунинг учун курснинг урганиш жараёнида хозирги замон дарси ва унга куйиладиган талаблар, дарсга тайёрланиш уни ташкил этиш ва утказиш масалаларини ёритишга алохида эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан талабалар касб-хунар коллежларида илгор укитувчилар дарсини кузатиш ва тахлил килишни, гурухдаги уртоклари дарс беришни машк килишларини уюштириш лозим. Хозирги даврда укитувчи мехнати бир мунча муракаблашди. Уни унча амал билан илмий ахборатларни тинимсиз укиб бориши болаларда акселлераўиянинг кучайиш, укитиш жараёнида техникадан фойдаланиш зарурияти тугилганлиги билан изохлаш мумкин. Юкорида санаб утилган амалларни хисога олган холда хозирги замон утиш жараёнига кушиладиган талаблар шу билан бирга урта педагогик маълумотини мутахасислар тайёрлаш учун берилган муддатнинг кискалиги укув тарбия ишларининг янада мукаммал шакл ва усулларни излашни талаб килмокда. Илмий ва услубий амалиётлар улар мунтазам топишиб бориш, илгор укутувчиларни дарсларини кузатиш укувчиларни мустакил билим олиш вазифаларига жавоб берадиган укитишнинг муаммоли ва матнлаштириш усуллари билан танишиш хозирги замон услубияти даражасига эришишнинг манбаларидир.

Курснинг энг мухим вазафаларидан яна бири укувчиларнинг ахлокий-эстетик тарбияси мазмуни, ва уни ташкил килиш йуллари билан талабаларни таништиришдир. Бу иш касб-хунар коллежи укитувчи мехнатини энг мухим томонларидан бирини ташкил этади. Мустакил Республикасининг ёш фукароларини тарбиялаш учун мутахасислар таёрлайдиган педагог хозирги замон педагогик билимларининг бера олиш малакаларига эга булиб колмасдан, балки укувчилар билан турли маънавий-марифий ишларни олиб бориш, уларда илмий дунёкараш касбий сифатлар ва характирни шакллантиришни хам билиш лозим.

Педагогика укитиш методикаси фанининг вазифаларига юкоридагилар билан бир каторда талабаларни педагогика касб-хунар коллежи коллежда олиб бориладиган ишларнинг ташкилий асослари, таълим беришнинг мазмуни педагогика коллежида олиб бориладиган дарс, укув услубий ишлар уларнинг шакллари ва мазмуни билан топиштириш талабаларда ижодий кобилиятларини ривожлантириш уларни мустакил фаолият курсатишга ургатиш, укитувчилик касбига таёрлаш хам киради.

Илмий ва методик адабиётларни укиш илгор тажрибаларни аник максад асосида урганиш талабаларни тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакли ва усуллари билан таништиради, бу ишни амалга оширишда гурух рахбарининг бекиёс ролини тушиниш укувчиларда илмий дунёкараш баркарор эътикод, ижтимоий ахлокий куникмаларини хосил килиш имконини беради. Талабалар касб-хунар коллежи фаолиятининг бу мухум томони жамоат ташкилотларининг етакчилигида бутун укитувчилар жамоасининг фаол иштироки билан амалга оширишни билиб оладилар.

Педагогика укитишиш методикасини укув масканларида хамда касб хунар-колежжларида куллаш кандай фаолият оркали амалга оширилади? Педагогика ва касб-хунар коллежларида манавий-ахлокий ва бадий эстетик тарбияни тугри йулга куйиш учун адабий манбаларини урганиш ва бевосита кузатиш туфайли ёшларнинг психологик ва индивидуал хусусиятларини чукур урганиш лозим. Бу тарбиявий ишни тугри йулга куйиш учунгина керак булмай, балки келгусида тарбиячилик касби сохасида тегишли билим ва тассаввур хосил килиш учун хам зарурдир.

Педагогика ва касб-хунар коллежлари фаолияти билан танишар экан, талабалар уз билимларини тарбия назарияси ва амалиёти билан доимо таккослаб боришлари, болалар психологияси педагогикаси ва хусусий методика фанларини чукур, хар томонлама урганмасдан туриб яхши педагог булиш, укувчилар калбига йул топа билиш, улар уртасида обруга эга булиш мумкин эмаслигини англаб етишлари лозим.

## 2-Мавзу: Касб-хунар ва педагогик коллежлар тугрисидаги Низом.

Режа.

1. Педагогик коллеж кичик мутахаси тайёрловчи бугиндир.
2. Педагоглар тайёрлашда педагогик коллежнинг ташкилий ва услубий масалалари.
3. Касб-хунар коллежлари таълим олдидаги долзарб вазифаси.

Таянч тушунчалар.

Мустакилликга эришгандан сунг Республикамизда содир булаётган туб узгаришлар жамият хаётининг барча сохаларига дахлдор булиб колди. «Касб-хунар коллежлари тугриси»да Низом качон кабул килинди? Жумладан, ёш авлодга таълим-тарбия бериш куникмалар ва малакалар билан куроллантиришга эътибор кучайди. Бир катор янги конунлар, дастурлар кабул килинди ва улар амалда жорий этила бошланди. Жумладан, Узбекистон Республикаси «Кадрлар таёрлаш миллий дастури» асосида Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 13 матр 204 сонли карорига биноан «Касб-хунар коллежлари тугриси»да Низом кабул килинди.

Педагогика билим юртлари тугрисидаги даслабки Низом 1961 йил 1мартда кабул килинган эди. Мана шу даслабки Низомда педагогика билим юртларининг умумий коидалари, укитувчи ваукувчиларнинг хукук-бурчлари, педагогик билим юртининг укув фаолияти ва иш юритиши жараёнлар уз аксини топган эди. «Касб-хунар коллежлари тугриси»да Низом неча булимдан иборат?

1998 йил 13 майдаги Вазирлар Махкамасининг 204 сонли карорининг 2- иловасига мувофик «Касб хунар коллеждлари тугрисидаги НИЗОМ» кабул килинди.

Низом куйидаги булимлардан иборат.

1.Умумий коидалар.
2. Урта махсус касб хунар таълимининг максади ва вазифаларини ташкил этиш.
3.Касб хунар коллеждларида укувчилар кабул килиш, таълим тарбия жараёни ташкил этиш мазмуни.
4.Педагогик кадрлар тайёрлаш кайта тайёрлиги ва малакасини ошириш.
5. Урта махсус касб хунар таълимини бошкариш.
6. Урта махсус касб хунар таълимини маблаг билан таъмирлаш ва унинг моддий техник таъминот.
7. Халкаро хамкорлик.

**Умумий коидалар.**

Умумий таълим негизидаги укитиш муддати 3 йил булган урта махсус касб хунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустакил тури хисобланади, хамда «Таълим тугрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида» ги Узбекистон Республикаси 13 – конунларига мувофик амалга оширилади. Урта махсус касб хунар таълими билим асослари чукур урганишни танладик, касб хунар буйича кичик мутахасис сифати мустакил амалий ишлаш учун кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Академик лиўейлар ва касб хунар коллежлари юридик шахс хисобланади. Конунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилади ва маскур низом асосида фаолият курсатади.Урта махсус касб хунар таълими муассасаси УСТАВИ Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1998 йил 5 январдаги 5- сон карори билан тасдикланган.

«Таълим муассасаси Уставини ишлаб чикиш тартиби»га хамда маскур НИЗОМга мувофик ишлаб чикарилади, таълимнинг бошкарилишининг ваколат давлат органи томонидан тасдикланади ва махаллий давлат хокимият органлари руйхатидан утказилади.

**Урта махсус касб хунар таълимини максади, вазифалари ва уни ташкил этиш:**

Касб хунар буйича чукуллаштирилган, табакалаштирилган, таълим бериш укувчиларнинг уз кобилятлари ва муойилликларига мувофик танланган касб хунар буйича мутахасисликларини эгаллашини таъминлаш урта махсус касб хунар таълимини максади хисобланади. куйидагилар урта махсус, касб хунар таълимининг вазифаларидир.

- давлат таълим стандартлари доирасида умумий таълим ва касб хунар дастурларини бажариш:
- укувчиларнинг узлуксиз таълимнинг кейинги юбоскичида укишни давом эттириши.
- танлаган мутахасисликлар буйича мехнат фаолияти билан шугуглланиши учун зарур ва етарли булган билимлар хамда касбга тайёргалиги даражасини чукурлаштириш:
- республика иктисодиётининг малакали кичик мутахасис кадрларга булган ихтиёжини кондириш урта махсус касб хунар таълими, акдемик литўейларда касб хунар коллеждларида кундузги укиш шаклларида амалга оширилади.

Урта махсус касб хунар таълими муассасалари укувчилари ва ходимларининг ижтимоий кафолатлари уларни куллаб куваттлаш ва уларга бериладиган имтиёзлар конун хужжатларига тегишли меъёрий хужжатларига,шунингдек таълим муассасаси уставига мувофик белгиланилади.

Урта махсус, касб хунар таълими муассасалари худудларининг демографик ва географик шароитларини тегишли соха ва мутахасисларга булган махаллий ихтиёжларини хисобга олган холда, укувчилар оиладан узоклаштирмасдан имкони борича купрок камраб олиш шароитларидан келиб чикиб ташкил этади.

**Академик лиўейларига ва касб хунар коллежларига укувчилар кабул килиш.**

Таълим тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни.

Урта махсус, касб хунар таълим муассасаларига укувчилар кабул килиш умумий урта таълим негизида мактабларнинг 9-синфнинг битирувчиларнинг якуний давлат аттестаўия ва умумий урта таълимни тугатишда улар томонидан олинган рейтинг курсаткичлари натижалари буйича, уларнинг академик лиўиейда ва касб хунар коллежида укиш йуналишини ихтиёрий равишда танлашини хисобга олган холда амалга оширилади.

Академик лиўиейларда ва касб хунар коллежларида умумий таълим ва касб хунар коллежлари III курсда амалга оширилади.

Урта махсус касб хунар таълими кундузги укиш шаклида амалга оширилади. Дарслар давом этиш муддати гурухларининг тулдирилиши, укувчиларни укув юкламаси укув тарбиявий жараёнини мукаммалаштиришнинг бошка масалалари урта махсус касб хунар таълими давлат стандартига мувофик белгиланилади.

Урта махсус касб хунар таълими дастурлари давлат
таълим стандарти билан белгиланадиган булимлардан иборат.

Психик ва жисмоний камчиликли усмирлар учун урта махсус касб-хунар таълими, укув дастурлари таълимни бошкариш ваколатига эга булган давлат органлари томонидан согликни саклаш ва ижтимоий таъминот органлари билан биргаликда белгиланади.

Укиш сифати ва даражасини давлат таълим стандартига мувофуклигини таминлаш учун куйидаги назорат тартиботларини утказиш назарда тутилади.

- жорий назорат
- оралик назорат
- якуний назорат

Бу булим 3. 10 кисдан иборат булиб, колган кисмларда рейтинг бахолаш тизими тугрисида фикрлар келтирилган.

**Педагогик кадрларни кайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш.**

Тегишли маълумотга, касб-кор таёргарлигига хамда юксак ахлокий фазилатларга эга булган шахслар академик лиўейлар ва касб-хунар коллежларида педагогик фаолият билан шугулланиш хукукига эгадирлар.

Суд хукми билан педагогик фаолият билан шугуллиниш таъкидланган шахслар бу ишга куйилмайди.

Мутахасис малакасини ошириш учун кандай вазифаларни амалга ошириш лозим? Академик лиўейлар ва касб-хунар коллежларига профессор укитувчиларни мухандис-педагогларни ишга кабул килишга таълимни бошкариш давлат ваколатли органи белгиланган тартибда аттестаўия натижасига кура амалга оширилади.

Академик лиўейлар ва касб-хунар коллежлари профессор укитувчилар ва мухандис педагогларнинг укув педагогик юкламаси Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Академик лиўейлар ва касб-хунар коллежлари укитувчиларнинг вазифани вактинчалик бажариб туриш тартиби Узбекистон Республикаси олий ва урта махсус таълим вазирлигининг меёрий хужжатлари билан белгиланади.

Иш жараёнида ваколатли органлар томонидан академик лиўейлар ва касб-хунар коллежларининг профессор укитувчи хамда мухандис педагоглари даврий аттестаўиядан утказилади.

Академик лиўейлар ва касб-хунар коллежлари маъмурият укитувчиси, мухандис педагог кадрларнинг обро этибори ва ижтимоий мавкеини оширишга каратилган ишларни амалга оширади.

**Урта махсус касб-хунар таълимининг бошкарилиши.**

Акаделик леўийлар ва касб-хунар коллежларига ташкилий, укув-услибий ва илмий рахбарлик килиш, давлат таълим стандартларини ишлаб чикариш ва жорий этиш, укув-таълим ва касб-хунар дастурларини бир хиллаштириш, педагог кадрлар билан таминлаш :

уларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, унинг худудий бошкармалари томонидан тармок вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан биргаликда амалга оширилади.

Урта махсус касб-хунар таълими муассасасини директор бошкаради.

Урта махсус касб-хунар таълими ходимларининг ловозим, хукулари ва мажбурятлари, рахбарнинг ваколатлари ва функсиялари конунчиликка тегишли меъёрий хужжатларга урта махсус касб-хунар таълими муассасасининг Уставига мувофик белгиланади.

Академик леўийлар ва касб-хунар коллежларида педагогика кенгашлари тузилади, улар таълим муассасаси директори хузуридаги укув тарбия жараёнини ташкил этиш, такомиллаштиришга кумаклашувчи коллегиал орган хисобланади.

Таълим муассасаларида вазифаларни ижро этувчи хокимият махаллий органлари вазирликлар идоралар, копаратўиялар, уюшмалар ва корхоналар жамоат ташкилотлари, жамгармаларнинг вакилларини уз ичига олувчи Узбекистон Республикаси конун хужжатларига ва мактаб Уставига мувофик иш олиб борувчи жамоатчилик бошкаруви органлари тузилиши мумкин.

Мулкчилик шакларидан ва идоравий буйсунишдан катий назар академик леўийлар ва касб-хунар коллежларини аттестатўиядан утказиш ва аккредитаўия килиш Давлат тест марказий хузуридаги кадрлар тайёрлаш сифатини нахорат килиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасасини аттестаўия бошкармаси томонидан амалга оширилади.

**Урта-махсус касб-хунар таълимини маблаг билан таъминлаш ва унинг моддий техник таъминоти.**

Урта махсус касб-хунар таълими муассасаси фаолияти таминлаш амалдаги конунчиликка мувофик тарзда амалга оширилади.

Таълим муассасасининг молиявий маблаглари унинг тасарруфида булади, улардан конунчилик ва таълим муассасасининг Уставдаги вазифаларга мувофик фойдаланилади.

Давлат таълим муассасасининг моддий воситалари, бинолари, иншоатлари ва асбоб ускуналари унинг хужалик тасарруфида булади.

Таълим муассасаси белгиланган тартибда уз ишлари натижаларининг тезкор ва бухгалтерия хисобини амалга оширилади.

**Халкаро хамкорлик.**

Урта махсус касб хунар таълими муассасалари Узбекистон Республикасининг тегишли давлатлараро ва хукуматлараро битимлари,шунингдек таълим сохасидаги идоралараро билимлар асосида халкаро хамкорликни амалга ошириш конунчиликка ва уставига мувофик узларининг вакалотларига кирувчи муассасалар буйича жорий шериклик билан битимлар тузиш хукукига эгадирлар.

**Мавзу: Касб-хунар педагогик коллежларининг ташкилий хукукий асослари.**

Режа:

1.Касб-хунар коллежларида укувчиларнинг хукук ва бурчлари.
2.Касб-хунар коллежлари тугрисидаги Низом.
3.Касб-хунар коллежлари бошкарув тузуми.

Таянч тушунчалари.

Низом, хукук, бурч ташкилотчининг хукукий моддалар, бошкарув тизими.

Бугунги кунда Касб-хунар коллежларида укувчиларнинг хукук ва бурчлари кайси хужжатда белгилаб куйилган?

Педагогика хамда касб-хунар коллежининг булажак укитувчиси унинг ташкилий, хукукий асослари шу жумладан билим юртини бошкариш тизими ,укитувчи ва укувчилар хукук ва вазифалари, укув тарбия жараёнини ташкил килишда оид чукур назарий билимга эга булиши лозим.Шу муносабат билан талабалар «Касб-хунар коллежларининг Низоми»дан ташкари унинг устави билан хам танишадилар.Уставнинг «Умумий коидалари» деб номланган 1 чи булимида таълим муассасасининг тулик номи, укиш шакли, муддати курсатилган булади. Бундан ташкари, таълим муассасаси уз харакатида Узбекистон Республикаси Конститутўиясига, конунлари Узбекистон Республикаси Президенти Фармонларига , Республика хукуматининг карорларига, Узбекистон Республикаси бошка шерий хужжатларига ва уставига амал килишлари курсатилгандир.Уставнинг 2 чи булимида педагогик коллежнинг максади, вазифалари, шунингдек Низомга мувофик коллежнинг мажбуриятлари ва хукуклари хакида гап боради.

Таълим олувчилар булимида эса укувчиларнинг кабул килиш, курсдан-курсга кучириш,уларнинг хукук ва мажбуриятлари баён килингандир.

Уставнинг энг мухим булимини «Укув тарбиявий ва илмий услубий ишлар» ташкил этади.Ушбу булимга таълим жараёнининг максад ва вазифалари, давлат таълим стандартлари ва давлат талабаларини амалга оширишнинг таъминланиши киритилган.Билимларни назорат килиш ва бахолаш шакллари ва тартиби укувчиларнинг тайёргарлик даражаси.Коллеж ишини ташкил этиш ва унинг иш тартиби, санитария-гигиена меъёрлари ва коидаларига риоя килиш :
Укув ва амалий машгулотлар шартларига ва шакллари,укув йили канча давом этиши ва бошка жихатлар акс эттирилган.Бундан ташкари ушбу булимда таълим бериладиган тил таълим муассасасининг тарбиявий илмий-услубий ишлар хам курсатилган.Кейинги булимда укув юртининг тарбиявий булинмалари, уларнинг фолиятини курсатиш тартиби ва шартлари санаб утилган .

Уставнинг педагогик ходимлар укув тарбиявий булимда укувчи ва ходимларнинг хукук ва мажбуриятлари батафсил санаб утилган. Укувчининг ишга кабул килиш тартиби, лавозимига тайёрлаш ва бушатиш коидалари хам шу булимда курсатилган.
Уставнинг навбатдаги булимида рахбарият ва бошкарувнинг юкори органи, рахбарнинг хукук ва мажбуриятлари, уни тайинлаш ва ишдан бушатиш тартиби курсатилган.




пед... ...га дир... ...лади. У... ...арбиявий, хулик вам... ...тугри к... ...рлик о... ...б беради.
Устав буйича директор зиммасига куйидагилар юклатилган.
___педагогика коллежига укувчилар кабул килиш ва мутахасислар етиштириш буйича давлат режаларининг бажаришини таминлаш.
___укитувчилар, ёрдамчи педагог ва хужалик ходимларини таминлаш хамда улардан тугри фойдаланиш.

___укув режаси ва дастурларининг тула бажарилишини уйиштириш ва назорат килиш.
___укувчиларнинг хар томонлама чукур билим олишларини ташкил этиш .
___дарс хамда якуний назоратлар жадвалини

-23-

тасдиклаш ва уларнинг аник бажарилишини кузатиб бориш ;
___илмий назарий ва маданий оммовий ишларни куйилиш ва укувчилар иши сифатида тинмай ошириб бориш, коллежнинг укув-моддий базасини мустахкамлаш учун тегишли чоралар куриш молиявий ишларнинг тугри юритишни таъминлаш кабилар.
___Низом ва Уставга асосан педагогик коллежнинг юкори органи педагоглар кенгаши директор, унинг уринбосари, булим бошликлари фан комисияларинг рахбари кутубхона мудири жамоат ташкилотларининг вакиллари таркибида тузилади.Хар бир укув йили учун кенгаш таркибини директор тасдиклайди.Очик овоз бериш йули билан укув юрти кенгашининг доимий котиби сайланади.Хар 1семестрда кенгаш камида 3 марта йигилади ва коллежлари хакида курсатмаларга оид тадбирларини мухокама килади ва бажариш йулларини белгилайди.

Педагогик колежларда укув-тарбия жараёнидаги муаммолар нималардан иборат?

Педагогик коллеж фаолиятинг асосий кисмини, укув тарбия жараёнини ташкил килади. Буш ишга эса бевосита директорнинг укув тарбия ишларини буйича уринбосари рахбарлик килади.Директорнинг укув тарбия ишлари буйича уринбосарини директор тавсияси билан Республика Халк таълими вазирлиги томонидан тайинлиниди.У олий маълумотли, куп йиллик иш тажрибасига эга булган, укув тарбия жараёнини яхши биладиган киши булиши лозим. Директорнинг укув тарбия ишлари буйича уринбосари вазифасига дарс имтихон ва консултатўиялар жадвалларини тузиш ва бажарилишини назорат килиш умумий таълим ва махсус фан укитувчилари гурух мураббийси, услубий кенгашлар лобаратория, кутубхона, услуб хонаси ва укв хоналарини фаолиятига рахбарлик килиш кабилар киради.

Директорнинг укув ишлаб чикариш ишлари буйича уринбосари эса укувчиларнинг амалий тайёргалиги учун жавоб беради.Укувчилар билан утказиладиган укув ва ишлаб чикариш амалиётларининг режасини тузиш амалиёт утказиш учун жойларни танлаш ва улар рахбарлар билан алока урнатиш амалиёт утказилаётган укитувчилар фаолиятга рахбарлик килиш унинг вазифасига киради.

Директорнинг хужалик ишлари буйича уринбосари эса билим юртининг моддий базаси учун жавобгардир. У укув корпуси, укувчилар ётокхонаси ошхонасининг тартибли булишини, тозалигини кузатиб боради. Курилиш таъминлаш ишларининг боришига рахбарлик килади ва бошкалар.

Укитишнинг асосий шакли дарс хисобланади. Дарснинг бир канча ёрдамчи шакллари хам мавжуд.Уквчиларга бериладиган таълим амалиёт даврида хам амалга оширилади. Амалиётнинг барча турларидан утиш хам бир мажбурийдир.Укувчи йили кишки ва ёзги имтихон сессияси ва тартибларини уз ичига олган 2 сместерга булинади.Укувчиларнинг кучиш уларнинг семестерлар давомида фанлардан туплаган рейтинг баллари ва якуний назорат натижалари асосида булади. Гурухдаги укувчилар сони 25-30 кишидан иборат булади ва машгулотлар режа жадвали асосида уюштирилади.

Укииш муддати умумий таълим мактабларининг 9-синфини тамомлаганлар учун 3 йил килиб белгиланган. Узокдан келганлар ётокхона билан таъминланиши хам курстиб утилган. Уставнинг шу булимида педагогика коллежи укитувчи хукуки ва вазифалари хам курсатилгандир. Жумладан, бепул билим олиш кутубхона, укув хоналари, спорт иншоатлари, эркин фойдалана олиш, фан тугаракларига катнашиш, бемор булганда саноторияларга йулланма олиш кабилар укувчиларнинг хукукидир.

Бугунги касб –хунар коллежи укувчисига куйилган талаб ва вазифалар нималардан иборат?

**Укувчиларнинг энг мухим вазифалари куйидагилардан иборатдир.**

А) барча дарсларга катнашиш

Б) назарий билим ва амалий куникмаларни мунтазам ва пухта эгаллаш.
В)укув режаси ва дастурида кузда тутилган барча вазифаларни уз вакида бажариш.
Г) узининг илмий назарий ва маданий даражасини ошириб бориш.
Д)ижтимоий фойдали мехнат ва билим юртининг ижтимоий хаётида фаол иштирок этиш
Е) билим юртининг ички тартиб - коидаларига риоя килиш, интизомли булишга интилиш
Ж) укитувчи аудиторияга кирганда урнидан туриб саломлашиш, савол жавоб пайтида урнидан туриб гапириш ва рухсат берилгандан сунг утириш, куча – куйда укитувчиларга ва бошка ходимлар билан саломлашиш, автобусларда катталарга жой бериш, кучада ва жамоат жойларида узини тута билиш,камтар булиш.
З) талабалик гувохномасини ёнида олиб юриш ва эхтиёт булиш.
И) машгулот учун зарур укув куроллари ва ёзув анжомлари билан келиш.

Яхши укишгани ва намунали хулки учун укувчини рагбатлантириш шакли хам УСТАВДА белгилаб берилган, коидани бузган талабаларга танбих бериш, гурух ичида мухокама китлиш, хайфсан бериш, хатто хайдалишгача чора куриш Уставда курсатилган.

Педагогика коллежи Низом ва Устав буйича уз моддий базасига: укув корпуси, уквчилар ётоги турли лабараториялар учун бинога, улар учун зарур жихозларга эгадир. Билим юртида ишлар булими, кадрлар булими, хисоб булими ва архив мавжуддир.

Уставни охирги булимида педагогик коллежни кушиб юбориш, бирлаштириш, булимни ажратиш ва кайта узгартириш хамда тугатиш тартиби хам курсатилгандир.

## 4.Мавзу: Касб-хунар ва педагогик коллежларида укитишнинг мазмуни.

Режа:

1. Касб-хунар коллежларидаги укув режа
2. Касб-хунар коллежларида укув дастури
3. Педагогик амалиёт дастури.

Таянч тушунчалар.

Укув режаси, укув дастури, дарсликлар, куланмалар.

Касб-хунар коллежларида таълимни мазмуни акс этирувчи хужжатларни аникланг?

Педагогика касб-хунар коллежларида таълим мазмуни давлат хужжати хисобланган укув режаси, укув дастурлари, дасрликлар ва укув кулланмаларида уз аксини топгандир.

### 1. Укув режаси.

Педагогика хамда касб-хунарларининг укув режасида укитилиши лозим булган укув предметлари, уларга ажратилган соатлари хамда соатларнинг хафталар ва симестирлар буйича тахсимоти берилган. Бундан ташкари, укув йилининг бошланинши ва тугаш муддатлари, татиллар, якуний назорат сессиялари ва педагогик амалиёт утказиш муддатлари хам укув режасида катъий белгилаб берилган. Билим юртининг укув режаси хам хар томонлама чукир билим, куникма ва малакаларга эга булган урта педагогик урта маълумотли мутахасислар тайёрлашни назарда тутган холда тузилгандир.

Укув режаларига кандай давлат талаблари куйилган?

Укув режаси-давлат хужжатидир. унга барча умумтаълим мактаблари сузсиз амал килади. Бу хужжатда синфлар буйича уроганилиша лозим булган укув фанлари ва шу фанлар учун ажратилган укув соатлари курсатилади. Бу хужжат педагогик коллежнинг ягона укув режаси хисобланиб, у олий ва урта махсус тахлим вазирлиги томонидан тасдикланади.

Укув режаси педагогика хамда касб-хунар коллежларига кабул килинадиган укувчиларнинг маълумоти даражасини хамда уларни гоявий-сиёсий педагогик психологик ва методик жихатдан тайёрлашни катъий хисобга олган холда тузилгандир. У укувчиларга хар томонлама чукур билим беришни назарда тутиш билан бирга, уларни келажакда уз касби буйича муофаккиятли ишлай олишлари учун керак буладиган тегаишли куникма ва малакалар билан куроллантиришни хам хисобга олгандир.

Укув режаси педагогика ва касб-хунар коллежига кабул килинадиган талабаларнинг маълумоти даражасини хамда уларни гоявий-сиёсий педагогик психологик ва методик жихатдан тайёрлашни катъий хисобга олган холда тузилгандир. У укувчиларга хар томонлама чукур билим беришни назарда тутиш билан бирга, уларни келажакда уз касби буйича мувафаккиятли ишлай олишлари учун керак буладиган тегишли куникма ва малакалар билан куролантиришни хам хисобга олгандир.

Укув режа педагогика ва касб-хунар коллежига кабул килинадиган талабларнинг хам хисобга олгандир.

Масалан, касб-хунар колежларининг мактабгача таълим йуналишида мужалланган ва Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги томонидан 2001 йил август ойида тасдикланган, укув режаси куйидаги фан блокларини уз ичига олади:

1. Умумтаълим фанлари.
2. Мутахасислик фанлари
3. Амалий машгулотлар

Ушбу укув режаси буйича укиш муддати з йил килиб белгиланган, анашу давр мобайнида укув режаси буйича 4560 соат машгулат уткизилиши курсатилган булиб бу соат фан блоклари буйича куйидагича тахсимланган.

___умумтаълим фанлари - 1960
___мутахасислик фанлари – 1519
___амалий машгулотлар – 998

Укув режасидаги соатнинг каттагина кисмини умумтаълим фанлари давлат тилида иш юритиш ва нутк маъданияти она тили ва адабиёт, рус тили, хорижий тил, тарих, шахс ва жамият, математика, инфарматика,.физика, астраномия, кимё, биология, иктисодий география.Жисмоний тарбия манавият асослари, инфармаўион техналогия, оила психолигияси миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамоиллар, эстетика, Давлат ва хукук Узбекистон конститутўияси учун ажратилгандир.Бу фанларни укитиш туфайли укувчилар хозирги замон фанларнинг асослари буйича даслабки билимларга эга буладилар.Бу эса уларда дунёкарашнинг этокоди шаклланишига катта ёрдам беради.

Укув режасида махсус фанларга алохида этибор бероган булиб соатлар фанлар буйича куйидагича тахсимланган.

Мутахасисликка кириш.- 17
Мактабгача таълим педагогикаси – 170
Анатамия, Физалогиягигения – 109
Болалар адабиёти, ифодали укиш –142
Нутк устириш назарияси ва методикаси логопедия-170
Болаларда математик тушунчаларни ривожлантириш назарияси ва методикаси-143
Расм буюм ясаш ва тасвирий фаолият методикаси-179
Табиатни билан таништириш методикаси-134

Мусика саводи, ритмика ва мусикага урганиш методикаси-160

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси-160

Ёзув ва укишга ургатиш методикаси-52

УТВдан фойдаланиш методикаси-26

Укув режасида булажак касб эгаларининг амалий тайёргарлигига хам катта эътибор берилган булиб, жумладан устахонадаги амалий машгулот учун 150 соат, педагогик амалиётга 218 соат, ишлаб чикариш адабиётига 218 соат,укув амалиётига 76 соат, дипломолди амалиётига 304 соат ажратилган. Режадаги укув ва ишлаб чикариш амалиётига ёзда, педагогик амалиётини 5 семестрда ва диплом олди амалиётини эса 6 семестрда утказиш кузда тутилган.

Касб-хунар коллежларида мутахасислик оид кандай фанлар укитилади?

Педагогика ва касб-хунар коллежлари укув режаси булажак педагогнинг хар томонлама камол топиш, укув юртининг маориф тузуми учун етук мутахасислар етиштириш сохасидаги вазифаларни хисобга олиб тузилган. Бундан ташкари, у укувчини мактабдан ташкари тарбия муассасасида тарбиячи ва оилада мак табгача таълим укитувчиси килиб етиштиришни хам назарда тутади. Фанларни кетма-кетлиги ва изчиллиги хам укув режасида алохида эътибор берилган. Масалан мактабгача тарбия ёшидаги болалар психологияси, уларни индувидуал хусусиятларини билмай туриб уларни хар томонлама тарбиялаш мумкин эмас. Шунинг укув режасидаги психология билан педагогикани биргаликда урганиш кузда тутилган. Шунинг, нутк устириш, расм, муиска фанларининг назарияси урганиб булганидан кейингина уларнинг методикаси укитилади ва хокоза.

Укув режасини тузишда фанлар ва уларнинг мавзувлри уртасидаги богланишга хам алохида эътибор берилади. Масалан болалар анатомияси ва физиологияси куйи курсларда болалар психологияси билан биргаликда урганилади. Метолика фанлари хам мазмун жихатидан бир-бирига боглик. Юкори курсда уларни хам биргаликда урганиш кузда тутилган.

Умумий ваи махсус педагогика фанларини уктитишга алохида ахамият берилди. Мактабгача тарбия педагогикасини укитишга укув режасида алохида эътибор берилган. Бу фанларни укитиш учун ажратилган соатларнинг куплигидагина эмас, балки курснинг биринчи семестридан бошлаб олтинчи семестригача урганилиши ва давлат имтихони билан якунланиши мисолида хам яккол куришлари мумкин. Чунки педагогика курси булажак тарбиячининг максад ва вазифалари, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш усуллари укув юртида малага ошириладиган укув тарбия ишининг мазмуни, методи ва воситалари билан батафсил таништирадиган асосий фандир.

Укувчи етарли даражада амалий куникма ва малакаларга ега булмасдан туриб яхши тарбиячи була олмайди. Шунинг учун укув режасида укувчиларнинг ясли ва богчада утказадиган педагогик амалиётига алохида эътибо беришидан ташкари махсус фанларнинг барчасида богчада амалий машгулотлар утказиш назарда тутилгандир. Укув режаси уз мазмунига кура таълимнинг гоявий сиёсий йуналиши, илмийлиги системалилиги ва исчиллиги хамда назарияни амалиёт билан боглаш тамойилларига тула жавоб беради. Укув режасида булажак мутахасиснинг куникма малакаларини белгилайдиган тавфиснома хам берилади.

Педагогика ва касб хунар коллежини таъминлаган ёш мутахасис педагогика тизимидаги махсус фанларни ва гигиенаси ясли ва богча, ёшли болаларнинг анотомик – физиологик тузилишини ва психологик хусусиятларини улар билан амалга ошира диган таълим – тарбиявий ишлар мазмуни ва методикасини пухта эгаллаган булиши лозим.

Бундан ташкари у хозирги замон техника воситалар ва укитиш методларидан тугри фойдаланган холда богчанинг турли курсларидан. Таълим – тарбиявий ишларни олиб бориш болаларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш уларга билим бериш, мехнатга мухаббат, маданий хулк куникмаларини шакллантириш йулларини хам билиш зарур. Шундай килиб педагогика ва касб-хунар коллежининг укув режаси булажак педагогнинг хар томонлама етук киши булишига имкон беради.

## 2.Педагогик ва психологик укув дастурлари.

Хар бир алохида фан учун укув дастури тузилади.Дастур укув режага асосланади. Дастур укув режаси буйича ажратилган соат ва билим хажми., унинг тузилиши мавжуд.Жамиятнинг гоявий сиёсий йуналишини узида акс эттирадиган давлат хужжатидир.Барча фанлар буйича укув дастури Узбекистон Респуликаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги ёки Халк таълими вазирлиги тасдиклайди.

Укув дастурида фанлар буйича укувчиларга бериладиган илмий билим куникма ва малакаларнинг хажми белгилаб берилади.

Дастурда фаннинг мазмуни, мавжудлиги, кетма-кетлиги, изчиллиги билан ёритилади. Укув дастурида шу фан буйича укувчиларга берилиши лозим булган билим ва куникма малакалар кичик мавзуларда фойдаланиб, мавзу максади кискача изохланади.

Фаннинг максади вазифасидан келиб чиккан холда йуналишлари ажратилади. Улар бобларга булинади. Боблар катта -катта мавзуларга булиниб шу мавзу юзасидан укувчи канака билим куникма ва малакаларни узлаштириши лозим булса кискача ифодаланиб берилади.

Ушбу мавзуни урганишдан максад педагогика хамда касб -хунар колледжларида асосий фан хисобланган педагогика ва педагогика тизимидаги махсус фанларни хамда психология курсларининг укув дастурларини чукур тахлил килиш асосида талабаларга дастур унинг тузилиши ва мазмуни хакида чукур билим беришдан иборатдир.

Педагогикаси курсини урганиш оркали укувчилар назарий билимларини эгаллайдилар, таълим муассаларида ишлаш учун зарур буладиган амалий куринма малакаларга эга буладилар. Шунинг учун махсус фанлар булажак укитувчиси педагогика курсини асосий вазифалари яхши билиши ва узининг фаолияти жараёнида, уни боскичма - боскич амалга ошириб бориши лозим.

Педагогика ва педагогика тизимидаги дастурлар илгор тажрибаларни хисобга олган холда тузилгандир. У уз ичига куйидаги булимларни олади.

1. Педагогиканинг асосий масалалари
2. Болаларни ривожланиши, таълим-тарбияси болаларга бериладиган билими ва куникмаларни мазмун ва мохияти.
3. Мактабгача таълим муассасалари, уларни ташкил этиш ва рахбарлик килиш

Педагогика курсининг дастури умумий педагогиканинг энг мухим масалаларини хам уз ичига олади, бу эса педагогикани энг мухим вазифаларини чукур ва тугри тушиниш имконини беради. Укувчиларнинг билим доирасини кенгайтириш максадида педагогика, махсус педагогика, дарсларига педагогика тарихи курсида хам айрим машгулотлар киритилган. Масалан: дарсларнинг «Педагогиканинг асосий масалалари» булимига Фаробий, Ибн Сино, Фуркат, Мукимий уз педагогикасининг тарбия масаласига уз карашларини киритган.

Мактабгача тарбия педагогикаси дастрини укувчиларга еш авлодни тарбиялашда педагогик тарбиянинг урни, богча билан мактаб фаолияти уртасидаги бирлик, шу билан бирга тарбия билан бола тараккаиёти уртасидаги узаро богликликни укитувчилар томонидан тула тушуниб олишликни назарда тутади.

Психология курси хам мактабгача тарбия педагогикаси сиингари педагогика ва касб хунар коллежида асосий уринлардан бирини эгаллайди ва укувчиларни психика ва унинг болаларда ривожланиш конуниятлари хакидаги билимлар билан куроллантиради.

Психология дастури умумий ва болалар психологияси масалаларини уз ичига олади. Лекин ясли ва богча ёшли болалари психологияси масалалари дастури етакчи рол уйнайди, дастур уз ичига куйидагиларни олган: психологиянинг курсининг предмети вазифалари псигик жараёнлари ва уларни болаларда ривожланиш фаолияти психологияси шахс псигик

тавсифи, ясли ва богча ёшли болаларда псигик жараёнларнинг хусусияти ва бошкалар. Дастурдаги энг катта булим «Псигик жараёнлар ва уларнинг болаларда ривожланиши» булиб унда сезгилар, идрок, диккат, хотира, хаёл, нутк, мутафаккур, ирода, хисиёт хакидаги дастлабки умумий тушунча берилади. Сунг уни турли ёшдаги болаларда ривожланиш хусусиятлари баён килинади.

Психология дастури укувчиларга психика юксак даражада ривожланаган материалларнинг махсуликанинг, у атрофидаги объектив богликни узида акс эттиришнинг умумий асосда тушиниб олиш имконини беради.

Талабалар дастурни урганар экар, унинг тузилишигагина эътибор бериб колмасдан балки гоявий илмийлиги урганилади. Масалаларни кетма-кетлига ва изчиллигига хам диккат килишлари керак. Бундан ташкари дастурни тахлил килиш даврида талабалар эътиборини курсини урганиш осондан кийинга, оддийдан мураккабга караб боришга барча мавзулар мазмунини уртасида узвий богланиш мавжудлиги ва 1ва2 хам каратиш лозим. Айникса дастурда болалар уйинини, мехнату укишга катта берилишига сабаб уларнинг психикасининг ривожланишини хутти шу фаолият туридагина куриш мумкинлигини талабалар тушуниб етсин. Психология дастури маърузадан ташкари амалий ва лабаратория машгулотларини утказишни хам назарда тутади. Масалан «Диккат таффаккур» мавзулари утилгач укувчилар богчада болалар турли фаолият жараёнидаги даккати ва таффаккурини кузатадилар. Сезгилар хотира, Идрок мавзудан сунг эса лабаратория мшгулотлари утказилади.

**3.Педагогика-психологиядан дарсликлар ва укув кулланмалар.**

Талабалар педагогика коллежлари фаолиятида кулланилаётган педагогика-психология ва хусусий методика фанлари дарсликларини хамда шу сохадаги энг янги укув кулланмаларни яхши билишлари лозим.

Бу факат педагогика ва касб-хунар коллежларидаутказилаётган давлат амалиётини юкори савияда утишнинг гоявий булиб колмасдан, балки келгусида уктувчилик хамда тарбиячилак фаолияти учун хам зарурдир.

Дарслик укув жараёнининг асоси.

Дарслик укувчининг уйдаги муаллими хар бир фан мазмуни, максади вазифаси дарсликда ёритишлади. Дарслик яъни фан обекти борлик уртасидаги мухим конунятларини богланишларини акс эттиради. Дарсликдаги билимлар тизими узаро ички, мантикий богланишларга эга булиб улар дидактика талабига мувофик равишда баён килинган.

Хозирги замон дарсликларига кандай давлат талаблари куйилган?

Дарслик куйидаги талабларга амал килган холда яратилиди:

1. Дарсликда акс этган илмий булими гурух укувчиларининг ёш хусусиятига мос килиш керак.
2. Дарсликда баён килинган, илмий билимларнинг назарий асоси, гоялири тузими ва изчил булиши талаб килиниди. Улар хаётдан олинган ишо9нарли булиши лозим.Шу холда укувчиларда илмий дунёкараш энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топтирилади.
3. Назарий билимлар ишлаб чикариш амалиёти билан богланган булиши керак.
4. Дарсликда мавзу содда равон тилда ёзилиши, хамда тегишли коида ва таърифлар бериши керак.

Дарсликнинг ичидаги ва мукавасидаги расмлар хамда унинг безатилиши укувчнинг ёшига мос фаннинг характерига мойин булмоги лозим.

Дарслик педагогика ва касб-хунар коллежлари укувчилар учун асосий кулланмадир.Чунки у укитивчилар билимини янада кенгайиши ва тухта булишига имкон беради, уларни мустакил билим олишга ургатади.

Дарслик укув дастури асосида тузилади ва уни Республика Халк Таълими вазирлиги тадиклайди.

Педагогика ва касб-хунар коллежларида укитиладиган махсус фанларнинг деярли барчасидан хар томонлама етук укувчиларнинг укиб урганишлари учун кулай дарсликлар мавжуддир.

Талабаларни амалий машгулот дарси пайтида махсус фанлар дарсликларибилан танишар ва тахлил килар экан, укитувчи улар эътиборини факат дарсликнинг тузилишигагина караб колмасдан балки уларнинг илмий материалларини укитувчилар учун тушунтиришга каратиш лозим.

Бундан ташкари укитувчи талабалар диккатини дарслик хажмининг укув режасида ажратилган соатга мослиги, унинг жихозланиши. Гигеник ва эстетик талабларга жавоб бериши масалаларига хам киритиш керак. Лекин укитувчи хар бир дарсга тайёрланаётган пайитда дарслик материали билан чегараланиб колмасдан хукумат кororлари, тупламлари, турли хил укув кулланмалари, педагогик адабиётлар, тарбиячининг илгорий иш тажрибаси умумлаштирилган тупламлари, дастурларда хам унумли фойдаланиши зарурлигини талабалар тушунсин.

Укувчи нашр килинаётган янги педагогик адабиётлар, илмий тадкикот натижаларини доимо кузатиб бориш хамда дастур материалини укувчиларга чукур ва кенгрок тушунтириши шу билан бирга дарсларда етарли даражада ёритилмаган ёки унга бутунлай кирмай колган материалларни бериш максадида улардан фойдаланилади.

Масалан: «Болалар инжиклиги ва кайсарлиги мавзуси психология дарслигида йук кушимча адабиётлар эса бу масалага оид кулаб мисол кизикарли фактларни топиши мумкин. Шунинг учун курснинг мухум вазифаларидан бири талабаларни педагогика ва психология фанлари буйича кушимча адабиётларни аниклаш ва уларни ройхатини тузишга ургатишдан иборатдир.

Талабаларни дарс ва укув кулланмалари билан таништираётганда улар эътиборини махсус фанларни укитиш жараёнида кулланиладиган кургазмали куролларга хам жалб килиш мумкин чунки фанни укувчилар томонидан пухта узлаштиришнинг энг мухум воситаларидан бири кургазмамиз булиб, кургазмали куроллар ва навбатида 2га: Демостиратив материаллар ва дидактив кулланмаларга булинади;

Демостиратив материалларга турли система, диаграмма, таблиўа, таъбий нарсалар, уйинчоклар ва бошка нарсалар киради.

Дидактив материалларга эса укув тарбия максадида махсус тайёрланади. Курс буйича педагогика ва касб-хунар коллежларида кузатиш дарслари утказилаётган паптда талабаларни педагогика – психология, нутк устиришметодикаси кабинетлардиги мавжуд кургазмали куроллар билан таништирилади.

Курсни урганиш жараёнида укитувчи талабаларнинг узида турли кургазмали курол ва дидактив материалларни тайёрлаш куникма ва малакаларни тарбиялашга айникса катта эътибор бериш лозим.

## 5.Мавзу: Касб-хунар педагогк коллежларида дарс.

Режа:

1. Дарснинг мохияти ва мазмуни
2. Дарсга куйилган давлат талаблари
3. Дарснинг турлари

Таянч тушунчалар

Дарс дастурлари, дарснинг тузилиши, дарснинг максад, машгулотлар.

Хозирги кунда касб-хунар коллежларида замонавий дарсни мазмуни ва мохияти хакида кандай фикрдасиз?

Касб-хунар коллежларида укувчиларга таълим беришнинг шакллари хилма-хилдир. Масалан: назарий билимлар укувчиларга асосан дарс жараёнида экскурсиялар, консултатўиялар жараёнида берилади. Амалий билимлар эса укитишнинг бошка шаклларини

талаб этади. Бунда лабаратория, укув устахоналари, ер учаскасида амалга ошириладиган амалий машгулотларга киради. Педагогик амалиёт хам укувчиларга илмий билимлар беришнинг энг мухум шаклларидан биридир.

Укувчиларга таълим бериш шакллари канчалик хилма-хил булмасин булар ичида етакчи ролни дарс уйнайди. Дарс деб укувчиларнинг катъий гурухи билан уктувчи рахбарлигида утказиладиган машгулот турига айтилади. Дарскатъий жадвал ва давлат дастури асосида утилади. Дарс укувчиларга чукур билим беришнигина назарда тутиб колмай, балки уларда илмий дунёкараш, этикодни шакллантиришни мехнат куникма ва малакалар беришни хам назарда тутади.

Таълимнинг дарс шакли фан асосларини мунтазам, чукур, пухта узлаштиришга ёрдам беради. Укитувчи дарсда укувчиларнинг хилма-хил ишларини ишларини ташкил килиш оркали янги билимлар беради, улар билимни канчалик узлаштираётганини назорат клиб боради ва бу билан укувчиларнинг билимини пухта эгаллашларига эришади.

Дарсга куйилган дидкатик талаблар хакида фикрингиз кандай?

Дидактив вазифага кура дарс турлари:

1. Укувчилар томонидан янги билимларни узлаштириш дарси
2. Куникма ва малакаларни шакллантириш дарси .
3. Билимни умумлаштириш ва тартибга солиш дарси.
4. Билим малака ва куникмаларни такрорлаш ва мустахкамлаш дарси
5. Назорат ва текширув дарси.
6. Аралаш дарси.

II. Билим фаолиятининг боскичларига кура дарсларнинг тури.

1. Кириш дарси.
2. Материалларбилан дастлабки танишув дарси
3. Тушунчаларни таркиб топтириш конунларини белгилаш дарси
4. Олинган билимларни амалиётда куллаш дарси
5. Куникма ва малакаларни шакллантириш дарси
6. Такрорлаш дарси
7. Назорат дарси
8. Аралаш дарси

III.Укитиш методларига кура дарснинг турлари

1. Сухбат дарси
2. Маъруза дарси
3. Кино дарси
4. Лабаратория дарси
5. Аралаш методли дарслар

IV. Укувчининг билиш фаолияти хусусиятига кура дарсларнинг турлари.

1. Мавзуни ва уни урганиш методикасини услубий тахлил килиш дарси.
2. Семинар дарси
3. Билимларни уммулаштириш ва тартибга солиш дарси
4. Материаллари предметлар аро умумлаштириш дарси
5. Практирум дарси

Касб-хунар коллежларида педагогика психология ва хусусий методикаларини укитишда кулланиладиган дарсларнинг узи хам хилма-хилдир.

Булардан энг мухумлари куйидагилар.

1. Кириш дарси
2. Янги билимлар бериш дарси

3. Билимларни мустахкамлаш дарси
4. Билимларни текшириш ва хисобга олиш дарслари
5. Кайтириш якунлаш дарси.
6. Семинар машгулотлар дарси.
7. Амалий машгулотлар дарси.
8. Мактаб типидаги ёки аралаш дарси.

Касб-хунар коллежи амалиётида юкоридагилардан ташкари нино дарс, муоммоли дарс, дарс викторина, дарс квен каби шакллари хам кулланилади. Укитувчи истиклол режасини тузар экан, укув материалининг мазмуни ва вазифаларига караб юкоридаги дарс типларидан у ёки мунисини танлайди. Хар-бир дарсга таёргалик кураётганида эса укитувчи укув жараёнига куйиладиган гоявий-педагогик, физологик-гигеник, психологик ва методик талабларга сузсиз риоя килади.

Таълим жараёнига куйиладиган гоявий, сиёсий, педагогик  талаблар аввало билимларнинг илмий билишини ва укувчилардан маънавий ява ахлокий хислатлар ва мустахкам эътикодни шаллантиришни назарда тутади. Бунинг маъноси шуки хар бир дарс тарбияловчи характерга эга булиши лозим. Укитувчи дарс мазмунидан фойдаланиб укувчиларда ватанпарвар ва миллий истиклол коясини шакллантириш ва уларга ахлок нормаларини сингдириб бориши лозим.

Зомонавий дарсларга кандай ДТС талаблари куйилган?

Дарсга куйиладиган физологик-гигеник талабларукувчиларнинг жисмоний ва психологик хусусиятларига хос гигеник шароит яратишни назарда тутади. Масалан: буйи, куриш ва эшитиш кобилиятларига караб уларни партага тугри жойлаштириш, хонани етарли даражада ёритиш ва шамоллатиб туриш, керакли жихозларни тугри танлаш ва жойлаштириш, кургазмали куролларнинг очик рангда ёзилганлиги ва укувчиларга куринарли булиши шулар жумласидандир.

Дарсга куйиладиган психологик талабларга эса укувчи томонидан дарснинг максади ва унинг амалий ахамиятини тушуниб етиш дарсни укувчиларнинг ёши индивидуал хусусиятларини хисобга олган холда ташкил этиш, хар бир дарс давомида тегишли тушунча хукм ва хулосалар хосил килишга эришиш кабилар киради.

Методик талабларга эса дарсни тугри ташкил этиш хилма-хил укутиш методларидан унумли фойдаланиш, дарснинг хар бир этапини бир-бирига узвий боглай олиш, укувчилар диккатини материалга жалб кила билиш ва тула тушуниб олишларига эринмаслик кабилар киради. Хар бир дарс аник максад ва тузилишга эга булиши лозим. Дарснинг максади укувчига кандай ва канча билим бериш шу билимлар асосида уларда нимани тарбиялаш керак деган саволга жавоб беради.Дарснинг аник максадига эга билиш учун тугри режалаштиришга олиб келади. Режа асосида утилган дарс билимлар системасининг кетма-кетлигига ва улар уртасида узвий богланишни хосил булишига имкон беради. Сизнингча дарс самарадорлигини ошириш учун нима ишлар килиш керак?

Дарс тузилиши деганда унинг боскичларини ва хар бир боскичнинг тугри бажарилишини тушанамиз. Дарснинг тузилиши укувчиларнинг иш кболиятига фаол таъсир килади. Шундай экан, уни педагогик жихатдан тугри ташкил килишни уйлаш лозим. Дарснинг хар бир боскичи учун ажратилган вакт тугри ва окилона фойдаланиш Дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Дарс жараёнида машгулот турини алмаштириб туриш эса укувчилар диккатининг баркарор булишини таъминлайди.

Дарснинг услибий режаси

Сана_____Боскич____Булим ____Гурух____Дарс

1. Дарс мавзуси

2. Дарс максади ______________________________________

Таълимий ___________________________________________
Тарбиявий___________________________________________
Ривожлантирувчи________________________________
Мотиваўион (кизиктирувчи)___________________________

3. Дидактив асос.

А) фанлар аро богланиш______________________________
Б) фан ичида богланиш________________________________

4. Дарснинг жихозланиши___________________________

5. Укитувчи учун адабиётлар ___________________________

6. Укувчи учун адабиётлар _____________________________

7. Дарснинг тури_______________________________________

8. Дарс усули _________________________________________

9.Укитиш жойи _______________________________

10. Дарснинг сўнарийси
1. Кириш – 5 минут
2. Ташкилий кисм –3 минут
3. Мавзу максад ва режа билан таништириш

II. Утилган мавзуни синовдан утиши –20 минут
(савол-жавоб, «Брейн-ринг»,тест, ёзма иш, лабаратория иш)

______________________________________________________

______________________________________________________

III.Янги мавзу устида ишлаш –25 минут
(«Аклий хукум усули», «Кичик гурухлар билан ишлаш», «иш уйини» утказиш.

______________________________________________________

______________________________________________________

______________________________________________________

IV.Мустахкамлаш –25 минут
(Тур усули красвард ечиш, тест ечиш)

______________________________________________________

______________________________________________________

V.Якуний кисм –5 минут
1. Уйга вазифа

______________________________________________________

2. Бахоларни элон килиш

Кириш дарслари.

Укувчиларни янги курс ёки унинг бирор булагини урганишга тайёрлаш, курсдаги укувчиларда кизикиш уйготиш максадида утказилади.Дарснинг бу турида укитувчи укувчиларнинг ушбу фан буйича кандай тушунча ва тасаввурга эга эканлигини аниклайди, уларни укув материали ёки курснинг умумий мазмуни ва укувчиларнинг булажак иш фаолиятлари учун канчалик зарур эканлиги билан таништиради.Бундай дарсларни франтал сухбат, хикоя ва тушунтириш, укув кургазма материалини намоиш килиш методларидан фойдаланиш максадга мувофикдир.

Кириш дарслари-тузилишининг сузлаш куйидагича булади:

1.Ташкилий кисм
2Укувчилик дарс максадим билан таништириш
3.Янги материални баён килиш
4.Уй вазифаларини тушунтириш

Зомонавий дарсларни олиб бориш тартиби ва кисмлари хакида мулохазангиз билдиринг?

Янги билимларни бериш дарсининг максади укувчиларни янги мавзу мазмуни билан таништириш, мавзу юзасидан уларга чукур билим беришдан иборадир. Дарснинг бу хили касб-хунар коллежида энг куп кулланилади ва уктувчидан катта тайёргарлик хамма юксак махоратни талаб килиди.Янги билим бериш дарси асосан маъруза методи билан олиб борилади.Бундан ташкари материал мазмунига караб сухбат, хикоя, укув киносини томоша килиш методлардан фойдаланиш лозим . Янги билимлар бериш дарсининг ташкилий тузилиши.

1.Ташкилий кисм
2. Укувчиларни дарснинг максади билан таништириш
3. Янги материалларни баён килиш
4. Уй вазифасини тушунтириш
5.Дарсни мустахкамлаш

Билимларни мустахкамлаш дарслари бир неча дарс давомида укувчилар томонидан узлаштирилган билимларни системага солиш ва уларни мустахкамлаш назарда тутилади.Бундан ташкари укувчитларни олган билимларини амалиётда куллай олишга ургатишни хам максад килиб куяди. Укувчиларни касбий тайёргарлик буйича куникма ва малакаларни эгаллашда бу типдаги дарснинг роли каттадир.

Дарснинг ташкилий тузилиши.

1.Ташкилий кисм
2.Дарс максадини баён килиш
3.Утган материалларни текшириш
4.Мустакил ишнинг бажариш йулларини тушинтириш
5.Топширикни бажариш
6 .Дафтарни йигиб олиш ва дарслаб текшириш.
7 .Уй вазифасини тушинтириш

Билимларни текшириш ва хисобга олиш.

Дарсларидан максад укувчилар томонидан узлаштирилган билимларнинг пухта ва чукурлигини, шу билан бирга сифатини текширишдир. Бундай дарслар укувчиларнинг ёзма ва назарий ишларини бажариши ижодийиншо ёзиш, карточкалар билан ишлаш, турли амалий машгулотларни бажариш каби шалларда олиб борилади.

Дарснинг ташкилий тузилиши ва уни булимлари нималардан иборат?

Дарснинг ташкилий тузилиши.

1.Ташкилий кисм

2. Дарс максадини тушунтириш
3. Назорат шаклини бажариш
4. уйга вазифа бериш.

Кайтариш якунлаш дарсларининг максади.

Курс мавзулари боблари билимлари юзасидан берилган билимларни тартибга солишдан иборатдир. Кайтариш якунлаш дарслари катта мавзу ёки боб утиб булингач ташкил килинади. Бу типдаги дарслардан асасан умумий сураш методидан файдаланилади.Фаоллаштириш максадида синф укувчиларини гурухларга булиш дарсга мусобака элиментларини киритиш хаам мумкин.Дарс охирида айрим укувчилар ёки мусобакада галиб чиккан гурухни рагбатлантириш максадга мувофикдир.

Дарнинг тахманий тузиш.

1Ташкилий кисм.
2Дарс максади билан таништириш.
3Билимларни текшириш.
4Укувчилар билимини бахолаш
5Уйга вазифа бериш

Семинар машгулотларидан максад укувчи эгаллаган назарий билимларини янада чукурлаштириш ва мустахкамлаш уларда мустакил билим ошириш, мушохада кила билиш куникмаларни тарбиядир. Сменар машгулотига тайёрланиш максадида укувчилар биринчи манбалар, кулланма журнал, масалаларини мустакил урганадилар, уларни коспеклаштирадилар, асосий мазмуни гапириб бериш.

Семинар машгулотларинингрежаси фойданилган адабиётлар руйхати билан укувчиларни 2-3 хафта илгари таништирилади. Семинарнинг кандай шаклда утказиш укувчиларга олдиндан тушунтирилади. Укувчилар семинар машгулотларига у ёки бу адабиётни укиш ва конспектлаштириш, назарий коидаларига хаетдан мисоллар топиш, доклад езиш, доклад учун режа тузиш, такриз езиш каби шакилларда тайергарлик курадилар.

Машгулот олдиндан берилган саволлар асосида эркин сухбатлашиш шаклида утказиш мумкин.

Машгулотларнинг тахминий тузилиш

1. Ташкилий кисм
2. Укувчиларнинг машгулот максади билан таништириш.
3. Укувчиларнинг семинар саволи буйича чикишлари.
4. Укувчилар жавобларини мустахкам килиш учун укитувчининг хулосалари.
5. Машгулотни якунлаш, укувчи жавоби еки докладларини бахолаш
6. Уйга вазифа бериш

Амалий машгулот дарсларининг максади.

Укувчиларнинг назарий билимларини амалда синашларига имкон бериш, уларда кул харакати, педагогик куникма ва малакаларни шакиллантиришдан иборатдир.

Укувчиларни касбга тайерлашда амалий машгулотларнинг роли бенихоят каттадир. Шу сабабли амалий машгулотларнинг мазмунли утказиш методикасини алохида эътибор билан урганиб чикишни тавсия килиш билан бирга унинг таълим тарбиявий ахамиятини тушунтириш аклий ва жисмоний мехнат малакаларини шакиллантиришдаги мустахкамликка, мехнатсеварликка ургатишдаги ролини курсатишни унутмаслик лозим.

Амалий машгулотнинг каттагина кисмини педагогик хужжатларини расмийлаштириш ва тахлил килиш дедактик кулланмалар, уйинчоклар, карточкалар ва бошка кургазмали материаллар тайерлашни ташкил этади.

Дарснинг тахлилий тузилиши

1. Ташкилий кисм
2. Машгуллот максади балин укувчиларни таништириш

3. Машгулотнинг бориши ва иш методикасини тушунтириш
4. Укувчиларнинг топширикни мустакил бажаришлари
5. Иш бажарилишини дастлабки текшириш
6. Ишга якун ясаш
7. Уйга вазифа

Мактаб типидан ёки аралаш дарснинг максади

Илгари утилган материалларни текшириш ва мустахкамлаш асосида янги мавзу мазмунини укувчиларга тушинтириш. Бу типдаги дарсларнинг тез-тез утказилишидан максад машгулот жараенида турли вазифаларни хам килиш имкониятининг кенглигидир. Укутиувчининг вазифаси хар бир машгулот самарадорлигини ошириш, иш шакли ва методиксини турли-туман килиб ташкил этишдан иборат.

Дарснинг тахминий тузилиши

1. Ташкилий кисм
2. Дарс максадини баен килиш
3. Укувчилар билимини текшириш
4. Янги материални баен килиш
5. Дарсни мустахкамлаш ва якунлаш
6. Уйга вазифа бериш

Укитувчининг дарсга тайерланиши

Укитувчининг машгулотларга тайерланиш курси буйича истиклол ишлаб чикариш режасини тузишга киришдан бошланади. Режа бир симестрга мулжалланган булиб курс юзасидан килинадиган ишлар тизимини узида акс эттиради. Укитувчи намунавий дастурни атщрофлича урганиб чикади.Ишлаб чикариш режасини тузишга киришаётганда укитувчи фанлар-арова фан ичдаги алокаларни шу масала буйича энг янги таткикот материалларини илгор тажрибалар ва курснинг тарбиявий вазифаларини хисобга олади.У хар бир дарс учун укув материалининг хажмини белгилайди, уни урганиш методикасини ижодий ишлаб чикади, дарсда кандай кургазмали кулоллар, техникка воситаларилабаратория асбобларидан фойдаланиш мумкинлигини хисобга алади, дарс да ва уйда мустакил бажариш лозим булган ишларнинг характери ва хажмини аниклайди.

Истикбол режаси турли дарс тпларининг алмашиниб келишини хам назардща тутади, бу эса укувчиларнинг фан буйича чукур билим олишларини таъминлайди.ишлаб чарариш режасини тузаётган пайтда касб-хунар коллежидан ташкарида утказиладиган дарслар алохида курсатилиши лозим Чунки бундай дарслар кушимча вакт талаб килиши сабабли дарс жадвалидан жой жой ажратиш билан богликдир.

Юкоридагалардан ташкари, укитувчи хам бир дарсга хам алохида тайёргарлик куради. Чунки хар бир дарснинг мувофакиятли чикиши ва укув материалини укувчилар онгиги чукур сингдириш. Уктувчининг ши дарсга уз вактида ва пухта тайёргарлик куришга богликдир. Укитувчининг дарсга тайёрланиши биринчидан курс юзасидан илгари кинган ишларни чукур тахлил килишни, уларнинг чкандай натижа берганлигини хисобга олишликни, иккинчидан мавзу юзасидан материал танлаш ва назарий билимларни баён килишни, учунчидан машгулот методикасини ишлаб чикишни уз ичига олади. Укутувчи дарс материалларини яхши билиши лозим. Бу аввало дарсликни укиб чикиш сунг илмий адабиётлар мумтоз педагогларнинг асарлари, газета ва журнал маколлалари ва хокозоларини криб чикиш лозим. Сунг урганиб чикилган материаллар ичидан укувчиларга баён килиш учун энг мухум масала ва фактларни олиши лозим. Дарсни яхши ва кизикарли килиш учун укитувчи ишонарли ва таъсирчан мисолларни хам танлашни билиш керак.

Дарс материалининг умумиьй хажми акинлангач укитувчи дарснинг тезкор холидаги режасини ёки кенгайтирилган кониспегини тузади. Унинг асосий мазмунини укувчиларга баён килиши лозим булган янги материал метнини ташкил килади.Режа конспекда дасрснинг максади. Уйга бериладиган вазифа дарсда бажарилиши лозим булган мустакил ишлар якин кунларда буладиган амалий иш ёки семенар машгулоти учун топширик кабиларнинг аник курсатилган булиш0и мухумдир. Шуни алохида такидлаш керакки хамма укитувчи мажбур

булган конспек шакли йук булиши хам мумкин эмас. Бу хар бир укитувчи иш тартибини иш шароитини дарс характерига караб белгалайди.

Дарсга тайёрланиш бу ижодий жараён шунинг учун у укитувчидан катта мехнат, чидам ва такидни талаб этади. Чунки булажак дарснинг мувофикатли укувчилар билимининг чукур ва мустахкам булиши укувчининг унга канчалик пухта атрофлича тайёргалик куришга богликдир.

ТОПШИРИК.

1.Касб хунар коллежида 2-3 соат дарсни кузатиш. Дарснинг хар бир этапи ва билимларини текширишни янги материални баён килиш уни мустахкамлаш, уйга вазифа бериш проўефларида укитувчининг укувчилар билан ишлаш усулларини батафсил ёзиш. Дарс этапларини давомийлигини аникланг
2. Укитувчининг гурух журналини юритиш тартиби билан танишинг.
3. мактабгача тарбия педагогикаси буйича ишлаб чикариш режаси билан танишинг ва унинг тузилиш шакли ва мазмунини ургатинг.

**6. Мавзу. Махсус фанлар буйича укитишнинг ташкил килиш ва утказиш усули.**
**Режа:**

1. Педагогика ва касб хунар коллежларида махсус фанларни укитишнинг узига хос хусусиятлари.
2. Педагогик коллежларда махсус фанларнинг укитишнинг конуниятлари.
3. Педагогика коллежларида махсус фанларнинг укитишнинг махсус усул ва услублари.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Укитиш усули, кургазмали метод.

Педагогика ва касб хунар коллежларида махсус фанларни укитишдаги бугунги кун муаммоларини аникланг?

Хусусий методика касбий фанлари мустакил фаолият 1.Укитиш усуллари ва уларни куйиладиган талаблар.

Ушбу мавзу педагогика фанларини укитиш услубияти курсида марказий уринларда туради. Чунки педагогика ва касб хунар коллежларида укувчиларга чукур билим бериш ва уларни тарбиячилик касбига пухта тайёлаш куп жихатдан машгулотларни , услибий жихатдан максадга мувофикдир.

Мазкур фанларни укитиш усуллари урганиш талабалардан умумий педагогика курсаларида олган билимларини кайта эсга туширишни назарий ва услубий адабиётлар билан чукур танишликни шу билан бирга, педагогика ва касб хунар коллежларида укитувчилар дарсларини диккат билан кузатиш ва тахлил килишни талаб этади. Махсус фанлар укитишда усул танлашда ва уларни классифекатўия килиш дидаетика приснсефларидан келиб чикади. Булар куйидагилар:

-таълимни тарбияловчи характери ва лимийлик пренсепи, билимларини онгли ва мустакил узлаштириш пренсипи, материални мунтазам ва кетма-кетлиги асосида урганиш пренсепини мослик, билимларини хаётга ва амалиёт билан боглаш кабилар.

Лекин дидектив пренсипларини классифекатўия килишда педагоглар уртасида мунозара кетаётганини, а ёри муомалалар дедактив пренсипи 5 та деб талкин килинса бошкалри 7 ёки 8 та деб тушунтиришга уринадилар. Булажак укиувчилар дедактив пренсиплар мохияти умумий ва болалар психологияси, хусусий услубият фанларини укитиш вазифаларига мос равишда чукур тушуниб ва узлаштириб олишлари зарур. Бундан ташкари дедактив пренсеплар педагогик жараённинг конуниятларини белгилаши, янги шунинг учун улардан бироргасини хам камситишни мумкин эмаслигини талабалар онгига етказиши мумкин.

Укитигш усули - бу укувчиларга чукур ва мустахкам билимлар бериши уларда илмий дунё карашини шакллантириши куникма ва малакалар хосил килиши шу билан бирга уларнинг билим ва ижодий кобилятларини устиришни таъминлаш ва ижодий кобилятларини устиришни таъминлаш, укитувчининг дарс жараёнида укувчилар билан ишлаш йулидир.

Замонавий дарсни ташкил этишда кандай усуллардан фойдаланиш мумкин?

2.Укитиш усулларининг тавсифи.

Педагогика ва касб-хунар коллежларида мутахасислар фанларини укитиш жараёнида куллниладиган усуллар хилма хилдир.Уларнинг энг мухумлари куйидагилардан иборат.

1) укитишнинг огзаки методлари.

Бунга укитувчининг маърузаси, хикояси ва сухбат усуллари киради. Бу усуллар асосан янги материални баён килиш жараёнида кулланилади. Бу усулларни куллашдан максад укувчилар тасаввурининг аник ватафаккурининг чукур, эсда олиб колишнинг мустахкам булишини таминлашдир. Бунга эришиш учун эса укитувчи укувчилардагимавжуд хаётий тажриба, билимларига суянади. кургазмали куролларва укитишнинг ташки воситаларидан фойдаланади.

Маъруза педагогика ва касб-хунар коллежларида махсус фанларни укитиш жараёнида энг куп кулланиладиганметодлардан бири булиб, бу метод билан купрок назарий масалалар ёритилади. Маъруза усули укитувчидан жуда катта тайёргарлик ва маъсулиятни талаб этади. Чунки у тайёр маълумотларни берувчи ёки муаммо маърузаси усулида булиши мумкин. Энг мухим укитувчи маърузасининг тузилиши жихатидан аник ва мантикий тугалланган булишига эришилиши лозим.

Маъруза аник тузилишга эга булиши унинг режали булимига бир масала билан иккинчисининг узвий богланинш га таъмиллашга имкон берса, мантикий тугалланган булиши эса хар бир масаланинг чукур очилиши ва умумий хулоса чикаришга олиб келади.

Маърузанинг мувафаккиятли чикишида курсатмамиз мухум рол уйнашга талабалар этоборини жалб килиш лозим чунки маъруза турли курсатмали куроллар, техника воситалари ёрдамида олиб борилсагина укувчилар учун кизикарли ва тушунарли булади. Шунинг учун маърузага тайёрланаётган пайтда зарур курсатмали куролларни олдиндан тайёрлаши ва уларни намоиш килиш усуллари хакида хам уйлаб куриши керак.

Маъруза мазмунини укувчилар томонидан самарали идрок килишини уктувчининг маъруза укиш техникасига маъруза тезлиги, нуткнинг равонлиги ва ифодалилиги, суз бойлигининг кенглигига хам боглик. Шунинг учун уктувчи оввало адовий тилда сузлашга одатланиши, уз нутки устида тинмай ишлаб бориш зарурлигига талабалар этиборини жалб килиш мумкин.

Маъруза давомида укитувчи нутки кандай талаблар куйилади?

Маъруза усули одатда укитиш жараёнида соф холда ишлатилмайди, балки укитишнинг бошка усуллари хикоя, сухбат, намоиш килиш билан кушиб олиб борилгандагина самарали натижа беради. Дарс жараёнида укитишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланинш эса укувчиларда идрок килиш ва фикр юритиш фаоллашиши, тасаввурларнинг кенгайишига олиб келади.

Хикоя усули хам укувчи томонидан янги матириалларни баён килиш жараёнида кулланилади. Хикоя таъсирининг аниклиги, жонлилиги, эмоўионаллиги, образлиги ва факитларнинг куплиги билан маърузадан фарк килади. Хикоя методи балалар, адабиёти, табиатшунослик, мактабгача тарбия педагогикаси курсларида купрок ишлатилади. Хикоянинг мофакиятли чикиши укувчининг мавзуга доир факултетларининг материалларини тугри танлай билиши, материалларни содда, изчил килиб укувчиларга осон тушунадиган шаклда баён килишга боглик.

Сухбат усули ёрдамида укувчиларни хакикатни излаб топишга ва мустакил равишда тегишли хулосалар чикариб олишга ургатилади. Сухбат методикада таккослашга катта этобор берилади. Сухбатнинг муофакиятли чикиши асосий ва кушимча саволларни кушилиши, укувчилар учун тушунарли ва уларни фаол фикр юритишга олиб келадиган

булишига, шу билан бирга укитувчинингукувчилар жавобини уз вактида умумлаштириши, унга тегишли кушимчалар киритаолиш масаласига хам богликдир.Укитувчи сухбатга тайёрланар экан аввало саволлар тузиши, дарснинг бориши ва укувчилар жовобларини олдиндан фикран тасаввур килиб куриши керак. Сухбат режаси дарсгача яхши уйлаб куйиладиган саволлар тайёрланган булиши лозим.

**Б) Укитиш ишининг кургазмали усуллари.**

Укитиш жараёнида кургазмалилик усулини афзалик томонини изохланг?

Педагогика ва касб-хунар коллежидаги таълимнинг хар тамонлама мукаммал булишини укитишнинг кургазмали усулларисиз тасаввур килиш мумкин эмас. Чунки бу усуллар урганилаётган назарий коидалар мохиятини тушунишига, болалар билан олиб бориладиган таълим тарбиявий ишлар мазмуни ва услубиятини осонкор билиб олишга ёрдам беради. Укитишнинг кургазмали усулларига аввало кузатиш ва тажрибаларга киради.

Хар бир мустакил ёки маъруза хикоя, сухбат методлари билан ишлатилиши мумкин. Кузатиш усули купрок психологияхусусий услубият фанларини урганиш хамда укувчиларни богчадаги педагогик амалиётга тайёрлаш жараёнида куллаш мумкин. Кузатиш максади ва вазифасига кура киска муддатли ва узок муддатли булиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, кузатиш обектихаддан ташкари кенг  таркок булмаслиги лозим. Кузатиш натижалари дастлабукитувчи рахбарлигида дарлар тахлил килинади, кейинчалик эса укувчиларнинг узлари мустакил бажаришлари мумкин.

Укувчилар назарий масалалар илмий конуниятларини тушунтиришда тажрибадан хам фойдаланилади. Тажрибани утказишдан олдинукувчилар олдига бирор гипотезда куяди. Гипотезани хал килиш максадида тажриба усули ишлаб чикилади, унга керакли материаллар танланади. Тажриба хам уз навбатида намойиш килувчи лабаратория ва таъбий тажрибага булинади. Намоиш килиш ёки укув тажрибаси купрок психология дарларида кулланилади. Унинг максади, психик ходисаларни тадбих килиш эмас балки чиккан назарий коидаларни амалда синаб курушда.

Лабаратория тажрибаси мухсус ташкил килинган шароитда утади. Унинг вазифаси турли ходисалар, вокеалар, фактлар уртасидаги сабабий богланишларни аниклашдан иборат: Масалан: скалогиядан лабаратория тажрибаси утказиш оркали идрок килиш ички ва ташки тасирлага богликлигини, фикр юритиш тезлиги хар кимда хар хил булишни курсатиш мумкин.

Кургазмали метод уз ичига кинофильм курсатувларини намойин килиш, магнитафон ёзувларини тинглаш кабиларни хам алади. Чунки бу дарсларни укув жараёнига китиш катта ахамиятга эга. Масалан: Дарс жараёнида укувчиларга илмий оммабоп ва укув киноларини курсатиш хам мумкин. Кинофилим укувчилар эсида узок вакт сакланишига ёрдам беради.Хозирги пайт дарс жараёнида Республика телевиденияси курсатувларидан хам кенг фойдаланилмокда.

Укувчилар дунё карашини шакилантиришда кандай мустакил ишларни ташкил килиш мумкин?

**В). Укувчиларнинг мустакил ишларини ташкил килиш усули.**

Укувчи дарс жараёнида бошка усул билан бир каторда, укувчи мустакил ишини ташкил килишдан хам кенг фойдаланади, чунки укувчи уларнинг мустакил билим олиш турли масалаларни узлар хам килаолишги  ургатиш даврнинг энг мухим талабларидан. Укувчи дарсда ва уйда мустакил ишлашлари мумкинБу уларнинг аклий фаолиятини фаоллаштириши билан бирга турли масалаларни ечишнинг йули  ва воситаларини мустакил излай олиш ва хал килишга хам ургатади.

Укитувчининг мустакил иши 2 турли: - билимларини мустахкамловчи ва ижодий булишит мумкин. Билимларни мустахкамловчи мустакил иш шаклларига дасрлик ёки бошка умумий адабиётни якин аник максад асосида укиш реажа тузиш, конеспек ёзиш айрим

назарий коидаларни тасдикловчи масалаларни ёзиб олиш аннатаўия,такриз ёзиш кабилар киради.

Укувчилар мустакил иш ижодий турига илмий доклад, реферат ёзиш, педагогик журналларида босилган маколага такриз, аннатаўия тузиш тахлили килиш кабилар киради. Укитувчилар мустакил ишни ташкил килишда улар ватининг бандлигини албатта хисобга олиши зарур. Узок вактга вазифалар одатта укув йилининг башидаёк укувчиларга бериш куйилади. Укувчиларнинг мустакил ишлари катий назорат килинади ва бахоланади.

2. Машклар усули.

Укувчиларни болалар билан ишлаш учун зарур булган куникма ва малакалар билан куроллантиришда бу усулнинг ахамияти каттадир. Ушбу усулнинг энг мухим хусусияти маълум бир иш харакатларни куп марата такрорлашдир. Куникма ва малакаларни хосил килишни машк килиш амалий ва лобаратория машгулотларда хамда мактабгача тарбия муассасаларида олиб борилади. Машкдан максад укувчиларни педагогика ва психалогия хукукий услубият дарсларидан олган билимларини мустахкамлаш, тарбиячи фаолиятига оид куникма ва малакалр хоси килишдан иборат. Укув предметининг мазмуни ва характерига караб машклар хам турли хил: Машк турларини санаб беринг?
Ёзма ва огзаки булиши мумкин. Педагогика ва психалогия фанларида ёзма машкнинг реферат ва курс иши ёзиш дарсликларнинг айрим уринларини кучириб олиш, таркриз ёзиш каби турлари мавжуд.

Огзаки машк эса уктувчининг кундалик дарсларини сураш, шеър ёдлаш амалиётга багишланган конфераўияда нутук сузлаш мурозаларда катнашиш маъруза укиш кабилар киради. Огзаки машк укитувчининг нуткининг устиришга ёрдам бериши билан бирга, тугри сузлаш жумлани чиройли ва таъсирли килиб тузиш, ифодали гапиришга хам ургатади. Машк холатига укув материалнинг мазмунига хос булиши лозим.

**Д). Муомали усули.**

Таълим жараёнида муомали усулини куланилиши хакида сизни фикрингиз?

Укитишнинг хозирги даражаси таълим жараёнида факт юкоридаги усуллардагина фойдаланиб колмай балки булимларни муомали баён килиш усулларидан хам фойдаланишни талаб этмокда. Бу усулнинг мохияти шуки, укитувчи укувчилар олдига бирор назарий ёки амалий маълумотни хал этишни куяди. Бу муомали укувчи укитувчи ёрдамида ёки узлари мустакил таткик этадилар. Бу усул материалини чукур ва онгли тушунишга хизмат килади, уларда мантикий тафаккурни ривожлантиради. Муомали укитишда суз нутки мантикий фикр юритиш, мантни укиб чикиш кичик тажриба утказиш кабилардан кенг фойдаланилади. Бу усулнинг узига хос томони шундаки укувчи тайёр илмий хулосаларни идрок килиб тушуниб ва эсда олибгина колмасдан , балки укитувчининг исботлаш усули, бир-бирини тулдирадиган фикрларни кузатиб бориш хулосаларнинг ишончлилигини назорат килиб туришларига хам олиб келади. Бу усул техника воситаларидан кенг фойдаланиш имконини беради.

**Е) Дарс учун услуб танлаш ва унинг ахамияти.**

Таълим инсон фаолиятининг ута мураккаб турига киради. Шунинг учун хам амалга ошириш турли хил усулларни талаб этади. Усул танлаш эса куп ва хилма-хил шарт-шароитларга богликдир. Усул танлаш энг аввало укитишнинг максад ва вазифалари билан белгиланади. Чунки бу уквчиларнинг билимларини онгли ва пухта узлаштиришга ижодий фаоллик ва мустакилликни ривожлантиришга хизмат килади. Укитиш усулларини танлаш аввало хар бир фаннинг хусусияти ва мазмуни балан богликдир. Усул танлаш дарсининг аник максади ва мазмунига хам боглик булади. Укитиш усулларини танлашда физиология ва психология тавсия килган фаолият

турини амлаштириб туришни хам эсдан чикармаслик керак. Усул танлашда укув жараёнининг канчалик жихозланганлиги хам мухим ахамиятга эга.Педагогика ва касб-хунар коллежларида техника воситалари: Масалан компьтерлар билан жихозланган хоналарнинг булиши бу воситалардан укитиш жараёнида кенг фойдаланиши имконини беради. У уз навбатида намойиш килиш усулларини куллашни такоза этади.

## 7. Мавзу : Касб-хунар ва педагогик коллежларида укитишнинг ташкилий шакллари.

**Режа:**

1.Педагогик касб-хунар коллежларида укитишнинг мазмуни.
2.Педагогик касб-хунар коллежларида укитишнинг ананавий шакллари.
3.Педагогик коллежларда укитишнинг ноанавий шакллари.

Таянч тушунчалари.

Касб-хунар коллежларида укитишнинг кандай шакиллари мавжуд?

Укитиш шакллари, ананавий шакли, ноанавий шакли, мусобака танлов шакли, мужасамлашган дарс ва хамкорлик дарслари.

Касб хунар ва педагогик коллежларида укитишнинг шакллари нихоятда хилма-хилдир.

Укитишнинг ананавий шаклларидан энг мухимлари ва амалиётда куп кулланиладиганлари сифатида куйидагиларни курсатиш мумкин:

1. Маъруза (укув маърузаси) - укувчига максумал даражада янги билим, илмий ахборотлар бериш укув материалларини чукур узлаштиришга имконини беради.

2. Семинарлар – дастурларнинг асосий булимларини урганилгач утказилади. Семинарларда сухбат ва укувчиларни мунозаралари бирлаштирилади. Семинар режаси ва адабиётлар руйхати олдин тузилади ва укувчиларга хавола килинади.

3. Лабаратория ва амалий машгулот психология ва педагогика фанларининг айрим мавзулари буйича укувчи билимини янада мустахкамалаш ва чукурлаштириш айрим назарий фанларни амалда исботлаш максадида утказилади.

4. Укув экскурсия тарбия шароитларда кузатишлар утказишга, турли ходисалар ва жараёнларни урганишга имкон беради.

5. Кушимча машгулотлар укувчиларнинг таълимларидаги камчиликларини тулдириши, узлаштирилмасликнинг олдини олиш максадида ташкил килинади. Маслахатлар колок укувчи билан ишлаш, укувчиларнинг айрим укувчилар билан якка тартибда ишлаши шулар жумласидандир. Шу уринда касб-хунар ва педагогика коллежларида укитишни ташкил килишнинг асосий тури булган маъруза машгулотининг методик ишланмасини намуна тарикасида курасатиб утамиз.

### Маъруза машгулотларининг методик ишламаси.

1. Маъруза мавзуси.

-курс дастурида мазкур маруза мавзусининг тутган урни ва ахамияти.
- мавзу буйича фойдаланиладиган ва укувчига тавсия килинадиган адабиётлар.
-мавзуга оид амалий тажриба материаллари.

Маърузани ташкил этишда кандай долзарб муаммоларга этибор бериш керак?

2. Маърузанинг ташкил килиш омиллари.

- техник воситалар ва укувчиларнинг маърузага тайёргарлик дарслари.
-вазифалирни бажариш учун укувчиларга зарур воситалар.
-вазифаларни бажаришда укувчи томонидан укувчиларда шакллантирадиган муносабатлар, хис-туйгулар, нуктаи-назарлар.

3. Маърузанинг мазмуни.
-маърузанинг режаси ва матни
-методлар ва воситалар

4. Маъруза жараёнида укитувчи киёфаси.
-укитувчи ва кувчи хамкорлиги шакллари
-фикрнинн тил оркали ифодаланиши
-укувчининг аудитория билан новертал, хисни ифодали мулокат шаклари кабилар.

Касб-хунар ва педагогик коллежларида дарсларнинг куйидаги ноанъанвий турлари хам амалиётда жараёнида куланилмокда.

1. Мусобака танлов дарслар
2. Мужассамлашган дарслар
3. Хамкорлик дарслар
4. Бахолаш ва киёслаш дарслар
5. Уйин дарслар
6. Аклий хужум дарслар
7. Ухлатиш машклари дарслар
8. Аутсион дарсдлар
9. Синов дарслар
10. Бинор дарсдар
11. Ижодий хисобот дарсдар
12. Матбуот анжумани дарслар
13. суд дарслар
14. Диолог дарслар

## 8. Мавзу: Касб-хунар ва педагогик коллежлари укувчилар билими, куникма ва малкаларини назорат килиш.

Режа:

1. Ёшларни манавий интелектуал рагбатлантиришнинг максади ва вазифалари.
2. Маънавий интелектуал сифатларни аниклашнинг замонавий усуллари.
3. Касб-хунар коллежларида ва олий укув юртларида рагбатлантиришнинг узига хос хусусиятлари.

Таянч тушунчалар.

Бугунги Касб-хунар коллежларида укувчилар билимини назорат килиш турларини аникланг?

Бахолиш лозим, бахо сифати, рейтинг жорий назорат, оралик назоарат, якуний назорат.

Касб-хунар ва педагогик коллежларда укитувчини билими, куникма ва рейтинг тузимида назорат килинади. Касб-хунар ва педагогик коллежлариукувчиларни билим савияси, куникма ва малакаларини назорат килишнинг рейтинг тизими Узбекистон Республикасининг «кадрлар тайёрлаш миллий дастури»хамда Вазирлар Махкамасининг Узбекистон Республикасида урта махсус касб-хунар таълимини ташкил этиш чора тадбирлари тугрисида 1998 йил 13 майдаги 204 сонли карорига мувофик ташкил этилади. Ушбу рейтинг тизими «Урта махсус касб-хунар таълими Давлат таълим стандартларини тасдиклаш тугрисидаги «Узбекистон Респуликаси Вазирлар Махкамасининг2000 йил 16 сентябрдаги 400-сонли карори билан тасдикланган».

Урта махсус касб-хунар таълими давлат талим стандартлари»нинг таркибий кисми булиб барча академик леуйилар ва касб-хунар коллежларида жорий этилади ва мазкур Низом асосида амалга оширилади.

Рейтинг тизимидаги назорат турига сизни фикрингиз?

1. Рейтинг тизимининг максад ва вазифалари куйидагалардан иборат:

1. Академик леўейлар ва касб-хунар коллежлари укувчиларида Давлат таълими стандартларига мувофик тегишли билим, куникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини назорат килиш.

2. Укувчи билим куникма ва малакаларитни бахолашнинг асосий тамоиллари: стандартга асосланганлик, аниклик, хохишлилик, ишончлилик ва кулай шаклда бахолашни таъминлаш.

____укувчи билими, ва малакалари даражасини таккослаш ва таълим жараёнидда узоро мусобака мухитини яратиш.

____укувчиларни фан буйича компилекс хамда узликсиз тайёргарлигини таминлаш.

____укитувчи фаолиятидаги масулиятни ошириш ва унинг педагогик мехнат самарасини холисона бахолаш.

____укувчиларнинг хар бир фан ва амалиёт турлари буйича узлаштириш даражаларини аниклаш.

Савиясини шалланиш суъратини мунтазам равишда тахлил килиш.

Рейтинг тузимини ососий томонлари ва назорат турлари.

Укитиш савиясини ва узлаштириш даражасини давлат таълим стандартига мувофиклигини таъминлаш учун куйидаги назорат тадбирларини утказиш назарда тутилади.

____ жорий назорат (ж.н)

____ оралик назорат (о.н)

____ якуний назорат (я.н)

Рейтинг тизимини жорий килишда куйидаги асосий тамойилларининг бажарилиши зарур :

____Хар бир предмет буйича вариантлар асосида бошлангич нозарат утказилади.

____ укув дастукининг мантикий тугалланган булими буйича укувчи албатта бахоланиши шарт ва натижа утиш бали (55балл)паст булганда шу булим кайта назоратдан утказилади.

____ якуний назорат вариантлари асосида райтинг маниторининг ва тахлил гурух кузатуви остида утказилади.

Семестр мобайнида укув юкламаси 24 соатдан кам булган фанларнинг оралик назорат этказиш шарт эмас.

2.Укувчилар билим савиясини бахолаш ва якуний рейтинг курсаткичларини аниклаш.

Рейтинг тизимини укувчининг хар бир фан буйича узлаштириш даражасини баллар оркали ифодалаб беради.Хар бир назорат тури кандай шаклдан утказишидан катий назар 100 баллик тизимида бутун сонлар ёрдамида бахоланади.

Давлат имтихонлари ихтисослик малакаларини хамда курс лойихаларини хам 100 баллик тизимда бахоланади.

3. Укувчиларнинг билим, куникма ва малакаларини бахолаш мезонлари.

Рейтинг тизими укувчилар билимини бохолашнинг куйидаги мезонларини хисобга олишни талаб килади.

«85-100»балл куйидаги холларда куйилади :

а) укувчи дарсни бутунлай узлаштириб олганини намоён килса.

б) урганилган дарсдаги асосий мазмунини ажрата билса ва саволга жавоб беришга кийналмаса.

в) эгаллиган билимларини амалиётда эркин куллай олса.

г) урганилган дарсни кайта айтиб беришда хатоларга йул куймаса ва ёзма ишларни бехато, бетарбия ва дадил ёзса.

«70-84»балл куйилади, агарда:

а) укувчи бутун утилган дарсларни билса

б) укитувчининг саволларига кийналмасдан жавоб берса

в) эгаллаган билимларини амалиётда куллай олса

г) ёзма ишларни жиддий хаталарга йул куйса

д) огзаки жавобларда жиддий хатоликлага йул куймаса

«55-65»балл куйилади,агарда

а) укувчи дарсни узлаштириб олган булсада
б) уни айтиб беришда кийналса
в) ёзма ишларда куйилган хатоларга йул куйса
в) укитувчининг саволларига жавоб беришда кийналса

«39-54» балл куйилади,агарда :

а) укувчи утилган дарс хакида бази тасаввурларга эга балса аммо дарснинг катта кисмини узлаштирмаган булса
б) ёзма ишда купол хатога кул урса
в) дарсни жуда буш ва коникарсиз узлаштирган булса

## 9. МАВЗУ: Касб хунар ва педагогик коллежларда гурух мураббийси.

Режа:

1. Гурух мураббийси – тарбиячи
2. Гурух мураббийсининг иш мазмуни
3. Гурух мураббийси шахсига куйиладиган давлат талаблари.

Таянч тушунчалар.

Гурух мураббийси, гурух режаси, ижодий кобилят, маънавий маърифий иш шакллари.

Зомонавий гурух мураббийсини вазифалари нималардан иборат ва кандай шахслар бу вазифага тайинланади?

Педагогика ва касб хунар коллежларининг хар бир укучини укитибгина колмасдан уларга тарбия хам беради. Уларнинг илмий дунёкараши ва маънавий киёфасини шаллантиради. Гурухда тарбиявий ишларни йулга куйувчи укувчида тарбиячи ва мураббийликни яратувчи гурух мураббийси. Одатта гурух мураббийлигига билим юрти кенгаши тамонидан тажрибали ва обр8ули укитувчилар тайинланади. Унга укувчилар хаётини йулга куйиш, гурухдаги укув-тарбия ишларига жавобгарлик юкланади. У тарбиячи сифатида укувчиларни хар тамонлама камол топишга уларни мехнатсеварлик, ватанпарварлик рухида тарбиялар, хамхурлик килиди. Бундан ташкари укувчилар билимини ошириш ва гурухда тартиб интизомни мустахкамлаш уларда педагогика касбига мухаббат уйготиш каби ишларни хам амалга оширади.

Гурух рахбари бир йил укув йили ёки сместирга мужжалланган тарбиявий иш режасини тузади ва режа гурух укувчиларининг умумий йигилишда мухокама килади, йил давомида амалги ошириладиган ишлар келишиб олинади.

Гурух мураббийси уз укувчилари билан деярли хар куни учрашади ва тарбиявий иш олиб боради. Бу тарбиявий иш дарс пайтида хам танаффус пайьтида хам, дарсдан ташкари хам амалга оширилиши мумкин.

1.Гурух мураббийсининг хукуки бурчи ва
вазифалари.

Гурух мураббийси синфда, мактабдан ташкари тарбиявий ишларни олиб боради. Гурух мураббийсини вазифаси ва фаолиятини мазмуни укувчиларга ахлокий тарбия беришнинг умумий вазифаларида келиб чиккан холда гурхдага шароит билан боглик булади. Гурух мураббийси кандай шароитда ишламасин, у кайси гурухга рахбарлик килмасин, асосий эътиборини укувчилар шахсини хар томонлама камол топтиришига каратган булиши керак. Гурух мураббийсининг иш жараёни миллий тарбиянинг максад ва вазифасидан келиб чикадиган узаро бир-бири билан бошглик булган тарбиявий тадбирлар йигиндисидан иборат.

Гурух мураббийсининг иш мазмуни уз ичига куйидагиларни олади.

1.укучиларни урганиш.
2.гурух укувчилар жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш.
3.Укувчилар билим сифатинихамда уларни тартиб интизомини мустахкамлаш.
4.Дарсдан ташкари тарбиявий ишни ташкил этиш ва уларни утказиш.
5.Гурух жамоасига ёрдам бериш.

6.Укувчиларнинг от-оналари билан иш олиб бориш.
7.Укувчиларнинг турмуш шароитини урганиш.
8.Укувчиларда педагогик касбига мухаббат уйготиш.

2.Укувчига тарбия бериш усуллари куйидагилардан иборат.

1.Укувчиларни хаёт ва иш фаолиятларини ташкил этиш.
2.Укувчиларни уюштириш.
3.Ибратли мисоллар ёрдамида тарбиялаш.
4.Рагбатлантириш ва жазолар.
5. Укувчиларда бевосита таъсир курсатиш.

3.Гурух мураббийси шахсига куйиладиган талаблар.

1. Гурух рахбарининг юксак гоявийлиги ва онглилиги .
2. Гурух мураббийсини юксак маънавий камолати
3. Педагогик махорати
4. Кенг кулламдаги маданий ва педагогик дунёкараши
5. Педагогик одоб
6. Ташкилотчилик малакасининг мавжудлиги
7. Укувчиларни севиш ва хурмат килиш
8. Тарбиявий ишларга ижобий ёндашиши
9. Гурух рахбарининг малакасини ошириш мураккаб хамда куп киррали тарбиявий иш гурух мураббийсидан уз малакасини ошириш борасида доимо ва мунтазам иш олиб бориш талаб этади.

Гурух мураббийси ишни режалаштириш ва хисобга олиш.

1.Гурух тарбиявий ишларни режалиштириш ва хисобга олиш.

1.Гурух тарбиявий иш режаси ва унга куйиладиган талаблар.

Гурух мураббийси ва гурух укувчиси билан орасидаги муносабат кандай шакл ва фаолият уз аксини топади?

Гурух мураббийси режа тузар экан хар бир укувчини камол топтиришини назарда тутади. Режа гурух мураббийсига тарбия бериш фаолиятини тугри ташкил этсиш учун катта имкониятлар очиб беради. Тарбиявий иш режа олдиндан гурух фаолитлари билан мухокама килиб, сместр бошланишидан бир хафта олдин билм юрти маъмуриятига тасдик учун терилади. Билим юрти рахбари гурух мураббийсининг тарбиявий иш режаларини тасдиклашни укув тарбия ишлари буйича уринбосарига топширган.

Гурух мураббийси режаси гурухда олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи амалий хужжат булиб у куйидаги педагогик талабларга жавоб бериши лозим.

1.Режанинг мойил максадига йуналтирилиши.
2.Гурухда олиб борилаётган тарбиявий ишлар мазмунини шаклларини хамда усулларининг хилма-хиллиги.
3.Укувчи тарбиясида систематик ва изчилликни таъминлаш.
4.Режанинг роял булими.
5.Режалаштиришда келишиб иш тутиш.

2.Гурух мураббийсининг тарбиявийли режаси кандай булиши керак.

Режа системаси шароитга караб узгарувчан, тулдириб бориладиган булмоги зарур. Бу сиз тарбиявий ишларни режалаштириш ва ташкил этиш муайян таълим ва тарбия вий вазифаларини хар жихатдан камраб олиш кийин булади. Режага факат хаётни илгари сурган семестир давомида мувоффакиятли бажарилиши мумкин булган тадбирлар киритилмоги керак.

Режалаштирииш тажрибасини урганиш ва умумлаштириш асосида гурапа рахбари режанинг тахминий схемасини тавсия килиш мумкин.

1.Гурух хакида кискача характеристика бериш.

2. Тарбиявий вазифалар.

Гурух мураббийси иш фаолиятига унинг утказган сухбатлари,учрашувлари сонига караб бахо бермаслик керак.

Гурух мураббийси тарбиявий вазифасини натижаларини хисобга олишда ва унга бахщ беришда укувчиларда муайян куникмани назарда тутиш керак. Укувчиларни шундай муайян вазиятга куйиш керакки, бу вазият ундан бирон бир хулк-атвор ахлокий хислатни номоён килишини талаб килсин.

Гурух рахбарининг тарбиявий иш режаси.

Педагогика коллежлари гурух рахбарининг тарбиявий иш режаларида куйидагилар уз аксини топиши лозим.

1. Гурух пед.психологик тавсифнома
2. Ташкилий педогогик вазифалар
3. Укитувчи ва укувчилар билан ишлашнинг вазифалари мазмуни.
4. Ота-оналар ва жамоатчилар билан ишлаш.
5. Дарсдан ташкари ишларни ташкил килиш.
6. Дарсдан ташкари умумий табиявий коидалари.

А) машгулотларнинг шакли ва йулланмасини танлашдаги эркинлик ижтимоий фаоллик, ташаббус ва хамкорликка топиши, укувчиларнинг ёши ва сузига хос хусусиятларини хисобга олиш.

Гурух мурабийси дарсдан ташкари кандай тадбирларни амалга оширади?

Дарсдан ташкари тарбиявий ишларнинг тарбиявий шакллари. Тугараклар, маъруза, мавзули кечалар ва эрталиклар, мунозаралар, танлов ва куриклар, олимпиадалар ва фестиваллар, кургазмалар, экускурсиялар.

Тарбиявий тадбирларни кузатиш ва тахлил килиш.

Кузатиш куйидаги тартибда амалга ошади.

_________ Тадбирларнинг санаси.
_________ Гурух иштирокчилари сони.
_________ Тадбирнинг мавзуси.
_________ Тадбирнинг шакли.
_________ Тадбирнинг бориши.

Укувчиларнинг фаолияти, фикр мулохазалари.

## 10-мавзу: касб-хунар педагогика колежларида педагог кадрларни тайёрлаш масалалари.

Режа.

1.Узбекистон Республикаси «Таълим тугрисида ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига» мувофик малакали кадр тайёрлашнинг долзарблиги.

2.Педагогик коллежларнинг ривожлантириш боскичи.

3.мутахасисга куйилган давлат талаблари.

Таянч тушинчалари.

Миллий модел, мутахасислар махорати, мутахасисга куйилган давлат талаблари.

Педагогик колежларга малакали мутахасис тайёрлашдаги тарихий боскичлар хакида фикрингиз?

Мустакиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлабок болалар хакида она ва боланинг соглигини саклаш тугрисида гамхурлик килиш давлатимизнинг биринчи галдаги вазифаларидан бири булиб колди. Болалар муассасаларини ташкил килиш, мактабгача табия билан шугулланувчи кадрлар тайёрлаш, шу сохада илмий ишлар олиб бориш учун катта маблаг ажратилди. Куплаб болалар богчалари очилиб болалар бепул овкатланадиган, хар томонлама таълим-тарбия оладиган булиб колди.

Мактабгача тарбия педагогик ходимларни тайёрлаш узига хос тарихи мавжуд. Ревпубликамизда педагогик кадрлар 1918-1919 йилларда очила бошлаган. Бу курслар дастлаб 1 ойлик, сунгра 3 ойлик ва бир йиллик килиб ташкил этилган. Болалар богчалари ва майдончалари тармокида тез суратлар билан усиб боради.

1928 йилда Тошкентда 1-чи мактабгача тарбия педагогика билим юрти очилди. Ремпубликадаги 2-чи мактабгача тарбия педагогика билим юрти 1933 йил Маргилонда очилди. 1935 йил Самаркандада, 1936 йилда Бухорада, 1937 йилда Урганч шахарларида хам яна шундай билим юртлари иш бошлади.

Хозирги кунда Республикамизда 17 мактабга ча тарбия педагогика коллежлари мавжуд булиб 12 мингга якин ёшлар таълим олмокдалар.

Республикасизда мактабгача тарбиянинг жуда тез суратлар билан ривожланиш олий маълумотли мутахасис кадрлар етиштиришни такоза килар эди. Натижада 1-чи 5 йиллар даврида Фаргона Педагогика институти кошидаги мактабгача тарбия буйича тайёрла

йдиган махсус булим очилди. Булимни 1935 йили 21 киши, 1936 йили 16 киши томомлади.

Лекин мактабгача тарбия буйича юкори малакали мутахасисларни етишмаслиги туфайли 1937 йилда булим ёпилади. 1951йилда Тошкент педагогика инстутитида педагогика – психолигия факултети иш бошлади.

1973 йилда эса Кукон Педагогика Институти кошида мактабгача тарбия факултети ташкил топди. Бу факултет хозиргача 6 мингга якин олий мутахасислар тайёрлаб берди.

Худду шундай факултет 1976 йил Самарканд Педагогика Институти, 1925 йили Термиз, 1986 йили Наманган, 1987 йили Карши Педагогика Институтларида хам очилди.

Бугунги мутахассис шахси кандай хусусиятга эга булиши керак?

Тарбиячи шахсини шакллантиришда асосий уринни гоявий – сиёсий тарбия маълумки ижтимоий Фойдали мехнат билан боглаш эгаллайди. Чунки хозирги давр тарбиячиси хукуматимизнинг кундаги сиёсатини чукур аглайдиган, илмий дунё караш ва маънавий этикодга эга булган мехнатни айникса бурч деб биладиган булиши лозим. Ватанга халкка садокат узлигини билиш ва тажрибасини ёш авлодга беришга интилиш хозирги давр тарбиячисининг сифатларидан биридир.

Булажак тарбиячи хозирги замон ижтимоий мактабгача тарбия амалиётини яхши билиши болаларни севиши ва уларни хар томонлама тарбиялаш учун зарур буладиган педагогик кулланма ва малакаларга хам эга булишлари лозим. Бу сиз у давр замон талаблари даражасидаги педогог булиш малакали педагогик кадрларни тайёрлаш янада кучайтиришни такоза килади. Натижада Халк таълим булимлари кошида ташкил килинган 3 ойлик ва 1 йиллик курслар талабга жавоб бермай колди.

Ана шу энг мухим хислатларни укувчига сингдириш эса мактабгача тарбия педагогик колледжларнинг асосий вазифасидир.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Педагогика фанинг укитишда куланадиган огзаки услубларни аникланг

а) намойиш килиш, сухбат килиш
б) индуктив, дидактив
в) уйин, амалий, машк килиш
г) хикоя , маъруза, сухбат
д) муомала, кузатиш методи

2. Метод ва усул хакида уз фикрларини билдирган комусий олимларимизни аникланг

а) А. Авлоний, Фаробий
б) Ибн Сино, А.Хоразмий, Фаробий
в) М.Кашгарий, Фитрат, Чулпон
г) А. Беруний, Хоразмий, Югнакий
д) Кайковус, Фитрат, А.Авлоний

3. Кургазмали услуб турлари тугри курсатилган каторни аникланг

а) Сухбат, намойиш, машк килиш
б) эвристик, муоммали, кургазмали
в) уйин, машк килиш, маъруза килиш
г) интуктив, дидуктив
д) курсатиш, намойиш килиш

4. Дарсга тугри таъриф берилган каторни аникланг

а) укитиш жараенида билим олиш
б) машгулот тури
в) онгли илмий фаолият
г) маънавий тарбия жараени
д) аник максад асосида бир хил ешдаги укувчилар билан укитувчи рахбарлигидаги машгулотлар тури

5. «Педагогика фанини укитиш» методларини махсус гурухларга ажратишда уз хиссасини кушган олимларни аникланг

а) Раджабов, Махмудов
б) Очилов, Абдуллаева
в) Скаткин, М.А. Павлов
г) Сеченов, Павлов
д) Махмудов, Бабанский, Скаткин И.А

6. Укитиш жараенида метод ва усуллардан фойдаланишда кандай максадлар амалга оширилади

а) талимий ва тарбиявий
б) ахлокий, жисмоний
в) маънавий ва ташкилий
г) илмий тадкикот
д) Таълимий тарбиявий, илмий максад

7. Дарс тушунчаларини аникланг

а) янги билим ериш
б) укув материалларини мустахкамлаш
в) такрорлаш умумлаштириш
г) назорат килиш ва бахолаш
д) юкборидагиларнинг барчаси

8. Касб -хунар колледжларида талабалар билимини бахолаш кандай тизимда утказилади

а) тест тизимида
б) бахо усулида
в) езма равишда
г) рейтинг тизимида
д) огзаки тарзда

9. Гурух мураббийсини вазифасини аникланг

а) илмий ишларни олиб боради
б) тарбиявий ишларни олиб боради
в) таълимий ишларни олиб борадди
г) маънавий-маърифий ишларни олиб боради
д) юкоридаги ишларнинг барчаси

10. Гурух мураббийси ким томонидан тайинланади

а) Халк таълими булими (РайОНО)
б) Колледж директори
в) Илмий булим мудири
г) Вилоят ХТБ
д) Илмий кенгаш тавсияси билан

11. Синфдан -дарсдан ташкари олиб бориладиган тарбиявий тадбирлар ким томонидан бошкарилади

а) гурух мураббийси
б) услубчилар
в) илмий булим мудири
г) укитувчи –тарбиячилар
д) маънавий ишлар мудири

12. Дарснинг тузилишини аникланг?

А) маъруза, амалий, лабаратория.
Б) суров, тест, анкета.
В) дарсни ташкил килиш, якунлаш.
Г) машк килдириш, янги билимларни бериш
Д) мустахкамлаш, уй вазифасини бериш, якуний кисм

13.Синф дарс системасини биринчи булиб тавсиф этган олимни аникланг?

А) А.Махмудов

Б) Бабаниский
В) Я.А.Колиниский
Г) М.И.Скатник
Д) А.Авлоний

14.Касб-хунар колежлар тугрисидаги Низом качон кабул килинган ?

А) 1995 йил 10 майда
Б) 1997 йил 29 августда
В) 1998 йил 13майда
Г) 1999 йил 19 сентиябрда
Д) 1998 йил 29 августда

15. Колежлар тугрисидаги Низом асосида Давлат стандарти качон кабул килинган ?

А) 2000 йил 16 октиябр
Б) 1999 йил 15 май
В) 1998 йил 14 май
Г) 1997 йил 29 май
Д) 2000 йил 1 май

16.Узбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» касон кабул килинган.

А) 1999 йил 10 майда
Б) 1998 йил 13 майда
В) 1997 йил 19 август
Г) 1998 йил 13 август
Д) 1997 йил 29 август

17. Касб хунар коллеждлари тугрисидаги фикр миллий дастурининг кайси булимида айтилган.

А) 1 боб, 4-модда
Б) 3 боб, 3- модда
В) 2 боб, 1- модда
Г) 5 боб, 4- модда
Д) 4 боб, 3- модда

18. «Таълим тургисида» ги конунинг нечанчи боб ва моддасида педагогик фаолият билан шугулланувчилар факида фикр билдирилган.

А) 1 боб, 2- модда
Б) 2 боб, 4-модда
В) 3 боб,5- модда
Г) 4 боб, 3-модда
Д) 5 боб, 5-модда

19. Касб хунар коллежларида уктиш муддати неча йил
а) 1 йил 6 ой
б) 2 йил 5 ой
в) 4 йил
г) 3 йил
д) 3 йил 8 ой

20. Янги педагогик техналогияга тугри тариф берилган каторни аникланг.

а ) дарсни «Интернет» оркали утиш
б) таълим жараёни
в) дарсни мунозара шаклида олиб бориш
г) таълим тарбия янгича ёндашув
д) ананавий педагогик усул

21. Укув услубий кенгашининг вазифасини аниклаш.

А) М.Ш.тажрибаларини текширади
Б) илгор тажрибаларни урганади.
В) иштажрибаларни умумлаштиради.
Г) услубий маруза кулланмаларини урганади.
Д)оридаги иш усулларини барчаси

22. Педагогика фанлар системасини аниклаш.

А) умумий педагогика, педагогик коррекўия
Б) оила педагогикаси, педагогик таккослаш
В) мактабгача тарбия педагогикаси
Г) халк педагогикаси,педагогика тарихи, педагогика укитиш методикаси
Д) барча жавоблар тугри.

23.Услубий ва дидактикани фаркланг
а) Дидактика- билим бериш
б) услубият- билим беориш усуллари
в) услубият дидактикага боглик тушунча
г) дидактика услубиятга боглик эмас.
Д)дидактика- билим бериш, услубият –билим бериш усуллари

24. Дастурнинг асосий кисмини аниклаш

а) тушинтириш хати
б) руйхат киришдаги мавзулар мазмуни
в) амалий ишлар мазмуни
г) бошка предметлар билан алока
д) юкоридаги барча билимлар

25. Укув дастурлари …

а) Республика таълим марказининг услубий кенгашида тасдикланади.
б) ХТБ услубий кенгашида тасдикланади.
в) усулибй кенгаш аъзолари иш жойида тасдикланади.
г) вилоят таълим марказида тасдикланади.
д) илмий тадкикот институтларида тасдикланади.

26. Дастур ва дарслик орасидаги богланиш бор еки йуклигини аниклаш

а) Дастур ва дарслик мутлоко боглик эмас
б) дарслик асосида дастур тузилади
в) дастур асосида дарслик асосида езилади

г) дастур, дарслик бир  бирини тулиради.
д) дасрлик услубий кулланма

27. Таълимнинг  муаммоли  усули  кайси  методлар оркали  олиб  борилади.
а) эристик, сухбат, амалий
б) тушинтириш, маъруза
в) кургазма, кузатиш
г) амалий, анкета, тест
д) суз  оркали, амалий, эвристик, кургазмали

**Адабиётлар руйхати.**


1. Каримов И.А. «Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдевори» тошкент – 1997 йил.
2. Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент «шарк»-1999 йил.
3. Узбекистон республикасининг «Таълим тугрисида»ги Конуни Тошкент 1997йил.
4. Узбекистон республикасининг «кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Тошкент 1997 йил.
5. Мунавваров А.К. «Педагогика» Иошкент 1996 йил.
6. Мусурмонова О. «укитувчиларнинг маънавий маданиятини шакиллантириш» Тошкент 1993 йил
7. Нишоналиев У. Турсунов И. «педагогика курси» Тошкент 1996 йил.
8. Мовлонова, Тураева. «Педагогика» Тошкент «Укитувчи»-2001 йил.
9. Гайбулллаев Н.Р. «Педагогика» Тошкент-1996 йил.

10.Фозилова Ж, Султонов Р, Саидов Х. «Укитувчи маънавиятини шакиллантириш» Тошкент 2000 йил.
11.Икромов А, Нишонов А, Шосалимов Ж. Авазов Ш, Абдуллаев Ш. «Касб-хунар коллежларида махсус фанлар укитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ошириш буйича намунавий укув режалари ва методик тавсиялар туплами» Тошкент 2001 йил.
12.Н.Саидахмедов «Педагогик махорат ва педагогик технология» Тошкент 2003 йил.